



Ўшанда кеч қолган бўлишингиз мумкин...

Аёлнинг энг гўзал фазилати солиҳалиги, оқилалигидир. Оқила бўлишнинг пойдевори эса, қизалоқлик пайтидан шакллана бошлайди. Шу боис динимизда қиз бола таъли-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади.

Абу Саид Худрий розиялоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Кимнинг уч қизи бўлса ёки уч синглиси бўлса ёхуд икки қизи, ё икки синглиси бўлса, у уларнинг суҳбати (таълим-тарбияси)ни яхши қилган ва уларнинг ҳақида Аллоҳга тақво қилган бўлса, унга жаннат бериладур»**, дедилар (Имом Термизий ва Имом Абу Довуд ривояти).

Уламоларимиз агар оилада ўғил ҳам, қиз ҳам бўлиб, оила бошлиғи улардан фақат бирини ўқитишга қурби етса, қизини ўқитсин, дейишган. Чунки ўғилни ўқитиш шахсни ўқитиш, қизга таълим бериш жамиятга таълим беришдир.

Ота-боболаримиз, момоларимиз қиз бола тарбиясига бепарқ бўлишмаган. Алломалар, машойихлар бу борада махсус рисоалар ёзишган.

Садриддин Айний ўзининг 1924 йилда чоп этган «Қиз бола ёхуд Холида» китобида қизлар тарбиясига доир фикрларини шарқона урф-одатлар, удумлар,

ахлоқ ва одоб мезонлари доирасида баён қилган. Бугунги кунда ҳам мазкур мавзуда китоблар кўп. Демак, бу масала долзарблигича қолмоқда. Ахборотлар ёмғири остида яшаётган қизларимиз сабоқни номақбул ижтимоий тармоқлардан олишлари мумкинлигидан хавотирдамиз.

Бугунги қизларнинг қўлида бутун жаҳон тармоқларига уланган телефон, хонадонларда кўпканалли телевизорлар бор. Улар қабул қилаётган маълумотларни назорат қилиш, шарҳлаб оқини оқ, қорасини қора, дея англатиш мушкул. Шундай экан, болаларни бошидан, қизларимизни ёшлигидан ҳаёibo, ахлоқ-одоб муҳофазасида тарбиялашимиз лозим. Тараққиёт бераётган имконлардан тўғри, оқилона фойдаланишга ўргатиш биринчи галдаги иш.

Маълумки, маълум жиҳатлардан намунали, орзусидаги сиймоларни қизларимиз ўзларига намуна сифатида танлай бошлайди, уларга ўхшашга интилади. Митти қизалоқларнинг танлаган намунаси кўпинча онаси бўлади. Жажжи қизалоқ ҳар соҳада онасига тақлид қилишга интилади. У қилган ишларни бажаришга, у гапирган гапларни такрорлашга уринади. Ҳатто яширинча онасининг кўйлаклари, оёқ




кийимларини кийиб, тақинчоқларини тақиб, ўзини ойнага солади.

Қиз ўстираётган ҳар бир она хулқига, либосига эътиборли бўлиши керак. Рўзғор тутумлари, муомала маданиятини онасидан андаза олган қизимизга танбеҳ беришдан аввал ўзимизга холис, танқидий назар солайлик. Эрта тонгда уйғониб оstonамизни тозалаяпмизми? Оилада оқила рафиқа, солиҳа аёл, меҳрибон она бўлолдикми? Мен қиз тарбиялаб вояга етказган, набирасини турмушга узатган, талаба-қизларга таҳсил берган бир она сифатида айтаман, қизингиз билан сирдош, дўст бўлинг. Бугун улардан қизганган вақтингизни эртага ҳар нарсани эваз бериб ҳам, тополмайсиз. Энг ёмони эса, ўшанда кеч бўлиши мумкинлигидир.

Мунаввара ЁҚУББЕКОВА,
филология фанлари
доктори




Жундағишса



«Абу Ҳурайра розияллоху анҳунинг: “Аллоҳим! Онамни ва мени ҳамда онамга ва менга истиффор айтганларни мағфират қилгин”, деяётганини эшитдик. Шундан сўнг Абу Ҳурайранинг дуосидан умидвор бўлиб, унга ва онасига мағфират сўрайдиган бўлдик».

Муҳаммад ибн Сирийн

Ўшанда кеч қолган бўлишингиз мумкин... ..1	
Меҳмондан оғриниш бўлмасин3	
Эркаклар оилада раҳбардирлар.....4	
Солиҳа аёл қандай бўлади?5	
Фотима бинти Асад розияллоху анҳо6	
Ҳар бурчак орасталиқдан дарак.....8	
Қодир бўлиб қайтармасангиз... ..10	
Кетса, қайтмас бойлик11	
Алданишдан, адашишдан асрасин.....12	
Ойша розияллоху анҳонинг кунялари.....13	
Ҳажга доир аёлларга хос масалалар14	
Енгилликлар, кенгчиликлар берилган.....15	
Ожизаларнинг зўравонлиги... ..16	
Эй қизим!.....18	
Онамнинг баракаси.....19	
Аёллар ҳам қурбонлик қилишади.....20	
Бир ютум сутнинг асорати.....21	
Сиз бекорчи эмассиз.....22	
Лоқайд эрнинг озори23	
Дуолар қўрғони.....24	
Ҳомиладорликнинг олдини олиш ҳақида..25	
Етим ким?	
Унинг ҳақлари нима?.....26	
Ҳар куни қандай савоб топасиз?.....28	
Фарзандимизнинг ўйинчоғи30	
Она сутининг фойдалари.....31	
Иссиқ кунларда... ..32	



Меҳмондан оғриниш бўлмасин

ёхуд “Меҳмон – атои Худо” мақоласини ўқиб...

Пайғамбарлар отаси Иброҳим алайҳиссалом меҳмоннавоз зот эдилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «(Эй Муҳаммад!) Сизга Иброҳимнинг азиз меҳмонлари ҳақидаги хабар келдими? Ўшанда улар (Иброҳим) ҳузурига кириб: “Салом!” дейишганда, у ҳам: “Салом! (Булар) нотаъниш қавм-ку!” деди. Сўнгра у аста оиласи олдида чиқиб, бир семиз бузоқни (сўйиб, пишириб) келтирди. Уни уларга яқин қилиб, “(Таомдан) емай-сизми?” деди» (Зориёт сураси, 24–27-оятлар).

Ҳадиси шарифларда ҳам меҳмонни иззат қилиш тарғиб этилган: “**Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини иззатласин...**” (Имом Мулим ривояти).

Бизлар меҳмонларини иззатлаган Иброҳим халилulloҳ миллати ва Муҳаммад Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам умматимиз. Бироқ, минг афсуски, бугун уйимизга келадиган меҳмондан малолланадиган бўлиб қолдик.

“Мўминалар” журналининг 3-сонига чоп этилган Ҳомиджон қори Ишматбековнинг “Меҳмон – атои Худо” мақоласини ўқиб, қаттиқ таъсирландим. Муаллиф бугунги кунда унутилаёзган қадим бир анъанани, динимизнинг гўзал қақириғини ёдимизга солди. Бугун тўйлар тўйхонада, қақирқлар кафеларда, ҳатто дийдорлашув, қариндошларнинг йиғинлари ҳам тамаддихоналарда ўтка-

зилмоқда. Муаллиф айтганидек, “Кўп меҳмон келадиган уй Аллоҳ таолога маҳбуб маскандир. Бундай масканга Аллоҳ таолонинг раҳмати ва баракоти ёғилади”. Бироқ биз ана шу ҳақиқатни унутиб, уйда меҳмон кутишдан оғрина бошладик.

Кимдир ақл ўргатди: “Меҳмонга қўйиладиган таомлар 3 хил бўлиши керак: суюқ, қуюқ ва десерт...” Яна кимдир ўзича ҳеч бир асоси йўқ тартибни киритди: “Меҳмонга қўйиладиган идишлар бир хил бўлиши лозим!” Меҳмонга борганлар ҳам жим туришмади, ўша жойдан “кир” қидиришди: “Уйи унчалик тартибли эмас экан...” “Эр-хотин тузуккина топишади, уйини сал таъмирлаб қўйса бўлмайdimи?”

Бундай гап-сўзларга ўрин қолдирмаслик учун бир ҳафта аввал тайёрланиладиган бўлди. Таъмирталаб жойлар таъмирланди, идишлар ҳам кўздан кечирилди. Қошиқ-санчқининг гули ҳам бир хил бўлишига разм солинди, бозор қилинди. Қуюққа нима тортиладию суюққа нима?! Ҳаммаси ипидан игнасиғача режалаштирилди...

Бу ортиқча даҳмазалар сабаб борини тўкиб, кўнгил оғринмай очиқ юз, бағрикенглик билан меҳмон кутишлар ўтмишда қолиб кетди. Меҳмонни кўчадан нари кузатиб юбориш урф бўлди. Гоҳида шунчаки тушлик қилиш учун кирган тамаддихонада одам кўплигидан, оилавий йиғинларнинг бир эмас, бир нечаси шу ерларда ўтказилаётганидан ҳай-



ратга тушасан киши. Бир дўстим шундай манзарани кўриб, сўраган эди: “Нима бало, ҳеч ким уйда овқат қилмай қўйганми?!” Шундан кейин ҳам ўзимизни меҳмонсиз таом емаган Иброҳим халилulloҳ миллатиданман дея олармиканмиз?

“Меҳмон – атои Худо!” мақоласида айтилганидек, меҳмон туфайли уйдан турли бало-офатлар чиқиб кетарди, меҳмон келган хонадонга барака ва ризқ ёғилади...

Шулар ҳақида ўйлаб, сиз азиз аёлларга: “Келинг, меҳмонни худди момоларимиздек уйимизда кутайлик”, дегим келди. Ҳеч кимнинг сўзига кулоқ солмай, ўзимиз ейдиган кундалик таомни дастурхонга тортайлик. Муҳими, у “Бисмиллаҳ” айтиб пиширилган бўлсин! Майли, болаларимиз учун олиб келган печенье, конфетларни қўйган идишларимизнинг ҳам гули турфа бўлсин! Уйимиз деворининг гулқоғози кўчган бўлса ҳам, фақат меҳмон келганидан қалбимизда оғриниш бўлмасин...

Атира РАҲМОНОВА,
Марҳамат тумани

Аллоҳ таоло аёлларни ўз эрига осийлик қилишдан қайтариб, уларни итоат қилишга буюрган. Шунингдек, Аллоҳ таоло эрларга аёллари билан чиройли муомалада бўлишни амр этган. Бақара сурасининг қуйидаги ояти-

га итоат қилмоқлигидир”.

“...аёлларга ваъз-насиҳат қилинг”. Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади: “Уларга Аллоҳнинг китоби билан панд-насиҳат қилинглар”. **“Агар итоат қилсалар”**, яъни аёллар

ни эҳтимол қилади. Биринчиси, ажрашишдан аёлини қўрқитиб, бирга ётиш ва жимо қилишни тарк қилиб, аёлига орқа бериб ётиб олади. Иккинчиси, эр аёлидан ўзини узоқроқ тутиб, у билан яқинлик қилмай-

ЭРКАКЛАР ОИЛАДА РАЎБАРДИРЛАР

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

да Аллоҳ таоло бу масалани қисқа шаклда баён қилган:

وَلَهُنَّ مِثْلُ الَّذِي عَلَيْنَ بِالْمَعْرُوفِ

“Ва уларнинг бурчлари муқобилида маъруф ила ҳақлари ҳам бордир” (228-оят). Мазкур сурада аёлларнинг зиммаларидаги ҳақ эрга итоат қилиш ва эр йўқлигида унинг ҳақини муҳофаза қилиш, деб баён қилинди. Зеро, бошқа оятда бундай дейилган:

فَإِنْ أَطَعْتُمْ فَلَا تَبْغُوا عَلَيْهِنَّ سَبِيلًا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا كَبِيرًا

“Агар итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг. Албатта, Аллоҳ олий, улўғдир” (Нисо сура-си, 34-оят). Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **“Эрнинг аёлдаги ҳаққи шуки, эр аёлини (тўшакка) чақирса, аёл эгарнинг устида бўлса ҳам, ун-**

кўрпага қайтиб, итоат қилсалар – хўп-хўп, акс ҳолда, улар билан тўшакни ажратинглар. Ҳижрон – бу аёли билан яқинлик қилмаслик, бирга ётмай, унга орқа ўгириб ётишдир. Сўнгра у итоат қилса – итоат қилди, бўлмаса, эр ундан қутулиши ҳалол бўлади.

Аллоҳ таолонинг **“...аёлларга ваъз-насиҳат қилинг”** ояти **“Солиҳа, ибодатли, ғойиб (эр)ларининг муҳофазасини қилувчи”** аёл бўлгин. Фалондай, фалондай аёл бўлмагин”, деган маънода бўлиши мумкин. Эр буларни мулойим ва юмшоқлик билан айтади. Шундан кейин аёл ўзини тутиб олса-ку яхши, бўлмаса, эр ундан ўзини четга олади.

Эр аёлидан ўзини узоқда тутиши икки хил талқин-

ди. Аёл одатланган нарсасини тарк қилса – қилди, бўлмаса, кўкартирмасдан уришга ҳам изн бор.

Босқичма-босқич эр аёлига мулойимлик, юмшоқлик билан тушунтириш ишларини олиб боради, у итоат қилиб, қилмишларини тарк этса, нур устига нур. Бордию итоат қилмаса, ҳижрон билан аёлини қўрқитади. Шундай қилинса, аёлнинг қалби ҳижронни кўтара олмай, итоат қилиши мумкин.

Аллоҳ таоло амр этганидек, эр аёлига панд-насиҳат қилади, сўнгра ўзини четроқ тутаяди, сўнгра енгил уради, кейин иш ҳокимга ҳавола қилинади. Худди шу тартибда эр аёлига чора кўриши керак. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинади:



“Аллоҳ таолонинг жорияларини (яъни Аллоҳнинг нозик хилқатларини) **урманглар”**. Шу билан эркаклар аёлларини уришни тарк қилдилар.

Умар розияллоҳу анху Расулуллоҳ ҳузурига келиб: “Аллоҳга қасам! Эй Аллоҳнинг Расули, аёллар ўта (эркакларга) журъатли бўлиб кетдилар”, деди. Шунда Расулуллоҳ уларни енгил уришга рухсат этдилар. Шундан кейин кўплаб аёллар эридан шикоят қилиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг хонадонларига келишди. Тонг отгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Тунда Муҳаммаднинг хонадонига етмиш аёл эрининг зарбидан шикоят қилиб келди. Аллоҳга қасамки, уларни сизларнинг яхшингиз, деб билмайман”, дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Сизларнинг яхшингиз аҳлига яхши муомалада бўлганларингиздир. Мен сизларнинг аҳлига энг яхши муомалада бўлганингизман”**, дедилар.

Билингки, панд-насиҳат қотган қалбларни юмшатиб, нафратланган табиатларни бир-бирига улфат қилади. Зеро, бунда ишларнинг оқибатини ва ҳолатларнинг асосини эслатиш бордир.

(Давоми бор.)

Имом Мотуридийнинг
“Таъвилотул Қуръон”
асаридан
Абдулатиф АЛЛОҚУЛОВ
таржимаси

СОЛИҲА АЁЛ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Набий алайҳиссалом эркакларга дунёнинг энг яхши неъматини таърифлаб, **“солиҳа аёлдир”**, деганлар. “Энг яхшиси”, яъни энг афзал неъмат солиҳа аёлдир.


Солиҳа аёл қандай бўлади?

Уни Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай таърифлаганлар: **“Аёл тўрт нарса учун никоҳланади: моли, насаби, жамоли ва дини учун. Сен диндорини танлагин, кўлинг тупроққа қорилгур”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Диндорлик – аёл киши сифатланган энг яхши сифатдир. Шунинг учун энг яхши неъмат солиҳа аёлдир.

Саҳобалар Набий алайҳиссаломдан: “Ё Расулуллоҳ, аёлларнинг қандоғи энг яхшисидир?” деб сўрашганда, у зот алайҳиссалом бундай жавоб берганлар: **“Назар солса, сурур бағишлайдигани, буйруқ берса, итоат қиладигани ва эрига ўз жониди ва молида у ёқтирмайдиган нарса ила хилоф қилмайдиганидир”** (Имом Термизий ва Имом Абу Довуд ривояти).

Эркакларга неъматнинг энг афзали солиҳа аёл бўлса, аёлга нисбатан дунёнинг энг яхши неъмат солиҳ эрдир. Солиҳа аёл қанчалик эрининг ҳақини адо этса, солиҳ эр ҳам аёлининг ҳақларига риоя этади. Шу боис Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Қачон сизга ўзингиз динидан ва хулқидан рози бўлган киши келса, унга (сўраганини) никоҳлаб беринг. Йўқса, Ер юзидида фитна ва катта фасод бўлади”**, деганлар (Имом Термизий ривояти).



Рисолатнинг илк уч йили яширин кечди. Ниҳоят ошкора даъват вақти келди. Очиқ чақирувни нимадан, кимдан бошлаш кераклиги Расули акрам алайҳиссаломга ваҳий орқали билдирилди: **“Яқин қариндошларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳланти-**

унинг бутун инсониятга юборган сўнги пайғамбариман.

Аллоҳ ҳаққи, бир куни уйқуга кетгандек вафот этасиз. Уйқудан уйғонгандек қайта тирилтириласиз ва барча амалларингиз учун ҳисоб-китоб қилина-

фарзанди билан бирга иймон келтирди.

Бу саҳобия покиза, мукамал тарзда ҳаёт кечирар, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг олдиларида алоҳида ҳурматга эга эди. У зотнинг меҳрларига, мақтовларига сазовор бўлганди.

Фотима бинти Асад рози-

Фотима бинти Асад розияллоҳу анҳо



ринг...” (Шуаро сураси, 214-оят).

Расулуллоҳ алайҳиссалом қариндошларини бир жойга тўплагач, дедилар: **«Ҳамд Аллоҳ таолога хосдир. Фақат ундан ёрдам сўрайман. Фақат Унгагина ишонаман. Унга суянаман. Аллоҳ таолодан бошқа илоҳ йўқлигига гувоҳлик бераман! Унинг шериги ва ўхшаши йўқ! Сизларни Ягона илоҳ – Аллоҳга иймон келтиришга чақираман. Мен**

гиз учун мукофотланасиз, гуноҳларингиз учун эса жазоланасиз. Абадий жаннатда ё абадий дўзахда қоласиз. Охират азоби ҳақида огоҳлантирган илк инсонларим сизларсиз, эй Абдулмутталиб ўғиллари. Сизларни айтилиши осон, бироқ тарозида тош босадиган калимага чақираман: “Ашҳаду аллаа илааҳа илаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва Росулҳу” (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва Расули эканига гувоҳлик бераман). **Ким бу йўлда менга ёрдамчи бўлади?»**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу сўзларини эшитган бир неча қариндошлари мусулмон бўлди. Фотима бинти Асад розияллоҳу анҳо ҳам шулардан бири эди. Фотима розияллоҳу анҳо барча

яллоҳу анҳо Пайғамбаримиз алайҳиссаломга у зотнинг болаликларидан бери яқин эди. Ҳеч қачон у зотдан ёрдамини аямасди. Муҳаммад алайҳиссалом амакилари Абу Толибдан кейин ўзларига энг хайрихоҳ инсон Фотима розияллоҳу анҳо бўлганини айтганлар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом болаликларидан у зотнинг парваришига алоҳида диққат қаратган. Ўз фарзандлари қолиб, аввало, Муҳаммад алайҳиссаломнинг сочларини тарар, гулмои билан ёғларди. Расули акрам алайҳиссалом у ҳақда: **“У менинг онам эди”**, деганлар. Бу сўзларнинг икки жаҳон сарвари, оламларга раҳмат сифатида юборилган зот тилидан айтилиши қандай катта бахт?!

Фотима розияллоҳу анҳо вафот этганида Пайғамбаримиз алайҳиссалом хирқаларини ечиб, кафан қилдилар



ва Фотима розияллоху анҳога жаннат кийимлари кийдирилиши учун шундай қилганларини айтдилар. Жанозасини ўқиганларидан кейин дафн этиш асносида Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ўзлари қабрга тушдилар. Қабри кенг бўлиши учун уни кенгайтиришга ишора қилдилар. Муборак кўзларидан оққан ёш қабр тупроғи билан қоришди.

Умар ибн Хаттоб ва бошқа саҳобалар Расулуллоҳ алайҳиссалом бошқа ҳеч ким учун бундай қилмаганларига гувоҳлик беришган.

Сўнгра Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам Фотима бинти Асад розияллоху анҳо ҳаққига бундай дуо қилдилар: *“Аллоҳ таоло сизни мағфират қилсин, гуноҳларингизни кечирсин, мукофотласин! Эй онам, Аллоҳ таоло сизни раҳмат айласин! Ўзингиз оч бўлатуриб, мени тўйдирдингиз! Ўзингиз киймай, мени кийинтирдингиз! Тирилтирадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам Аллоҳдир! У тирикдир! Аллоҳим! Онам Фотима бинти Асадни Ўзинг кечир! Унинг эришган мақомини билдир, қабрини кенгайтир! Эй раҳмлиларнинг Раҳмлисиз! Менинг – Пайғамбарингнинг ва ўтган барча пайғамбарларингнинг ҳурматидан дуоимни қабул айла!”*

Фотима бинти Асад ўз боласини овқатлантиришдан аввал уйда улғаяётган ўксик етимнинг оғзига овқат тутаркан, бир кун пайғамбар бўладую менга охиратда шафоат этади, деб тама қилмади. Шунчаки қалбидаги меҳр билан у зотга таом улашди. У зотни ювинтирди, таради, бошини силади...

Бу муҳтарама аёлнинг ҳаёт йўлидан олинадиган ибратлар талай. Биргина етимга кўрсатган меҳри, ғамхўрлигининг ўзи қиёматгача келадиган мўминларга чинакам ибратдир.

Манбалар асосида

Вобкент тумани отинойиси

Раъно ЗОКИРОВА тайёрлади.

Ёмонликлардан паноҳ тилаш

أَعِذُّكُمَا بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّةِ
مِنْ كُلِّ شَيْطَانٍ وَهَامَّةٍ وَمِنْ كُلِّ عَيْنٍ لَّامَةٍ

Ўқилиши: «Ўъизукума бикалиматиллаҳит таммати мин кулли шайтонив ва ҳаммаҳ ва мин кулли ъайнил ламмаҳ».

Маъноси: «Аллоҳнинг мукаммал калималари билан ҳар бир шайтондан, зарарли ҳашаротлардан ва ёмон кўздан сизларга паноҳ тилайман» (Имом Бухорий ривояти).

Турли касалликлардан паноҳ тилаш

اللَّهُمَّ رَبَّ النَّاسِ، أَذْهِبِ الْبَاسَ، إِشْفِ أَنْتَ الشَّافِي،
لَا شِفَاءَ إِلَّا شِفَاؤُكَ شِفَاءً لَا يُغَادِرُ سَقَمًا

Ўқилиши: “Аллоҳумма Роббан-наси азҳибил-баса, ишфи Анташ-шафий ла шифаа илла шифаука, шифа’ан ла юғодиру сақоман”.

Маъноси: “Аллоҳим, эй инсонларнинг Рабби, касалликни маҳв этувчи Зот! Шифо берувчи фақат Ўзингсан. Сендан ўзга шифо берувчи йўқдир. Асоратини қолдирмайдиган шифо бер”.

Баракали ризқ сўраш

اللَّهُمَّ زِدْنَا وَلَا تَنْقُصْنَا

Ўқилиши: “Аллоҳумма зиднаа ва лаа танқуснаа”.

Маъноси: “Аллоҳим, бизга зиёда қилгин, кам қилмагин!”

Тавфиқ сўраш

Банда тавфиқ истаб, қалби ўзи яхши кўрган дунё ва охират ишларига очилишини истаса, албатта, ушбу зикрни айтсин.

يَا فَعَّالُ مَا يُرِيدُ

Ўқилиши: “Йа Фаъаалул лимаа йурийд”.

Маъноси: “Эй нимани хоҳласа, қила олувчи Зот!”

ҲАР БУРЧАК ОРАСТАЛИКДАН ДАРАК



Жобир розияллоху анху ривоят қилади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай огоҳлантирганлар: **“Қоронғи тушса, болаларингизни ташқарига чиқишдан қайтаринг. Чунки у маҳалда шайтонлар тарқалади. Қоронғи тушганидан сўнг бирон сот ўтганидан кейин уларни ўз ҳолига қўйинг. (Ётар маҳалда) Аллоҳ исмини зикр қилиб, эшигингизни беркитинг. Аллоҳ исмини зикр қилиб, чироғингизни ўчиринг. Аллоҳ исмини зикр қилиб, мешингиз оғзини боғланг ва Аллоҳ исмини зикр қилиб, идишингиз устини ёпинг. Ҳеч нарса топа олмасангиз, идиш устига бир чўпни кўнда-**

ланг қўйиб бўлса ҳам шундай қилинг” (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).

“Эшигингни беркит. Аллоҳнинг исмини зикр қил”. Мўмин ва мўминалар амал қилиши керак бўлган ҳар бир нарсада Аллоҳнинг зикрини унутмаслиги лозим. Кечқурун ётишдан аввал эшикни беркитиб қўйишда ҳам Аллоҳнинг исмини зикр қилиш керак. Эшикни беркитиш кўпгина нохушликлардан сақланишга сабаб бўлади.

“Чироғингни ўчир. Аллоҳнинг исмини зикр қил”. Ушбу набавий амрга амал қилган ҳолда мўмин ва мўминалар кечқурун чироғини ўчириб ётиши лозим. Чироқни ўчирмай ётишда зарар бор-

лиги сир эмас. Кечаси заруратсиз чироқни ўчирмай ётганда кўнгилсизликлар бўлиши мумкин. Ҳеч бўлмаганда, кечаси билан ёниб чиққан чироқдан оила иқтисодига зарар етади. Исрофга йўл қўйилади.

“Идишнинг устини ёп. Аллоҳнинг исмини зикр қил”. Демак, озиқ-овқат ва ичимликлар турадиган идишларнинг устини ёпиб юриш керак. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам бу ишни алоҳида таъкидлаб: **“Агар бирортангиз ҳеч нарса топа олмаса, идишининг устига бир чўпни кўндаланг қўйиб бўлса ҳам, Аллоҳнинг исмини зикр қилиб қўйсин”**, демоқдалар. Уламолар ушбу



жумлани тушунтириш учун ёзган шарҳларида “Чўп сабаб бўлади, холос. Ҳимояланишни Аллоҳ юзага чиқаради”, деганлар. Ушбу ҳадиси шарифга амал қилиб, идишининг устини ёпиб юрганлар суюқ ва қуюқ таомларига, ичимликларига турли ҳаром-хариш, зарарли, шубҳали нарсалар тушиб қолишининг олдини олади.

“Мешингни боғла. Аллоҳнинг исмини зикр қил”. Бу ерда таом сақланадиган меш, қоп, саноч сингари идишларнинг оғзини боғлаб қўйиш кераклиги ҳақида гап кетмоқда.

Эътибор берадиган бўлсак, ушбу ишларнинг барчасини Аллоҳнинг исмини зикр қилган ҳолда амалга ошириш кераклиги қайта-қайта таъкидланмоқда. Ҳа, доимо Аллоҳни зикр қилиш лозим. Пайғамбар алайҳиссалом айтганларидек: **“Бас, шайтон мешларни еча олмас. Эшикларни оча олмас. Идишларнинг устини очолмас”** (Имом Бухорий ривояти).

Агар Аллоҳнинг исми зикр қилинма-

са, қанчалик беркитилган билан барибир шайтон таом ва ичимликлардан ўз насибасини олади.

Беканинг саранжом-саришталигию орасталиги ҳақида уйнинг ҳар бир бурчаги дарак бериб туради. Айниқса, аёлларимизнинг энг кўп вақт ажратадиган жойлари ошхона ҳисобланади. Уйдаги баракотнинг бардавом бўлиши аёлнинг тутумига боғлиқ.

Шариатимизда аёллар рўзгорларини ораста тутишларига доир бир қанча одоблар бор. Рўзгор тутиш, таомланиш, меҳмон кутиш, хонадон саришталиги шулар жумласидан.

Бекажонларимиз барча жамланиб, таомланадиган ошхонада шариатга мувофиқ бир нечта қонидани ўзларига лозим тутиб, риоя қилиб борсалар, жажжи фарзандларига ҳам намуна, ҳам устоз бўладилар.

Нилуфар АҲАД қизи,
“Хожа Бухорий” ўрта махсус ислом билим юрти ўқув-услубий бўлими бошлиғи

Оғзини юмган оқилдир

Неъматлар сиз билан доим қолади, деб алданиб юрманг. Ҳар вақт неъмат олиб қўйилиши мумкинлигини, омонатлигини ҳис этиб яшанг. Агар неъмат бардавом бўлса, ҳамд айтинг. Агар олиб қўйилса, бунга ҳам рози бўлинг.

Қалбларнинг энг саодатлиси, аввало, Аллоҳ учун, сўнгра бошқалар учун уриб турганидир! Қалбингиз ва вужудингизни Аллоҳга йўналтиринг.

Тилингиз кўзларингизга қўшилиб бошқаларнинг айбларини излайдиган бўлмасин! Унутманг, уларнинг ҳам сиз каби тиллари ва кўзлари бор.

Бирор йиғинда ўтириб қолсангиз, кўп гапирманг. Одамлар сизнинг сўзингиздан малолланиб, оғриниб қолишмасин. Оқил инсон одамлар қулоқларини беркитишдан олдин оғзини юмган, одамлар оғизларини очишдан олдин қулоғини очган (тинглай билган) кишидир.

Бекорчи масалаларни баҳс қилиш билан машғул бўлманг. Баъзи одамлар турли масалаларга шўнғишади. Муҳим масалалар қолиб, бекорчи нарсалар ҳақида жуда кўп маълумот йиғишади.

Бошқаларнинг хатоларига нисбатан кечиримли бўлинг. Сизга ёмонлик қилган киши узр сўраб келса, узрини қабул қилинг ва у учун янги саҳифа очинг. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким бир мусулмон биродарининг узрини қабул қилмаса, унга одамларнинг ҳаққини ейдиган кишининг гуноҳичалик гуноҳ ёзилади”** деганлар (Имом Ибн Можа ривояти).

Қодир бўлиб, қайтармасангиз...

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу қилаётган амалларимизнинг оқибати-ни Қуръони каримдан излашга ишора қилиб: **“Қуръонни қўзғатинглар”**, деган.

Қуръони каримда Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қуйидагича дуо қилишни таълим берган: **«Айтинг: “Эй Раббим! Менга (кофирларга) ваъда қилинаётган нарсаси (азоб)ни кўрсатсанг-чи?! Эй Раббим! (ўшанда) мени у золимлар қавми ичида (турувчи) қилмагин!”»** (Муъминун сураси, 93–94-оятлар.)

Мазкур ояти карима Аллоҳ таолонинг азоби гоҳида золимлар қаторида бошқаларга ҳам тушишига ишора қилади. Бу ҳақда бошқа бир ояти каримада бундай дейилади: **“Сизлардан фақат золимларгагина хос бўлмаган (балки ҳаммаларингизга оммавий бўладиган) фитна (азоб)дан сақланингиз ва билиб қўйингизки, Аллоҳ жазоси қаттиқ (Зот)дир”** (Анфол сураси, 25-оят).

Ушбу ояти карима тафсирида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Одамлар кўз ўнгидан гуноҳ ишлар содир бўлаётганини кўра туриб, гуноҳдан қайтаришга қодир бўлиб қайтармасалар, Аллоҳ ўша гуноҳни содир этган кимсаларни ҳам, уни инкор қилмасдан томошабин бўлиб турган оммани ҳам азоблайди”** (Имом Аҳмад ривояти).

Бу оят ва ҳадислар замиридаги моҳият кўзимизни каттароқ очиб, ён-атрофимизга теранроқ назар солишга ундайди. Ташқаридан қарасак, илм-фан равнақ топган шу кунларда инсонлар фақат илм-маърифат сари талпинаётганга, Аллоҳнинг амрларини жон қулоғи билан тинглаб, ҳаётларида жорий этиш учун ошиқаётганга ўхшаб кўринади. Аслида-чи?..

“Эй иймон келтирганлар! Албатта, май (маст қилувчи ичимликлар), қимор, бут-санамлар ва (фол очадиган) чўплар шайтоннинг ишидан иборат ифлосликдирки, ундан четланингиз! Шояд, (шунда) нажот топсангиз” (Моид сураси,

90-оят), дейилади Қуръони каримда.

Фолбинга бориш – куфр ботқоғининг илк одими. “Сулаймонга атаб қора товук”, “Довудга атаб қизил товук сўйиш” деган гаплар шу ердан бошланади. “Аждодларингиздан қўл олганлар бор экан. Шу меросни кимдир давом эттириши керак. Қўл олмасангиз бўлмайди” каби уйдирмаларнинг макони ҳам шу жой. Фолбиннинг гапига қулоқ осган содда аёллар унинг саксонга ёлғони орасидан тасодифан чиқиб қолган бир-икки “рост” гапига илиниб, бир умр ширк ва шубҳа оstonасининг қули бўлади. Қалбига ғулғула тушиб, фолбиннинг “айтганини айтган, деганини деган” қилиш учун ҳар томонга югуради.

Мамлакатимизнинг кўпгина ҳудудларида фолбинлар билан боғлиқ “чироқ ёқиш”, “чилтонтош”, “қирқ чилтон”, “момо оши”, “қора холос”, “эскича” каби амаллар ҳали-ҳамон давом этиб келмоқда. Мазкур иллатни батамом йўқотиш учун ҳам ботиний, ҳам зоҳирий кўмакка эҳтиёж бор. Масалан, бу йўлда эркаклар муносиб





ёрдамчи бўла олади-лар. Қатъият ва ирода аёлларга қараганда уларда устун бўлгани боис: **“Эр-каклар хотинлар устидан** (оила бошлиғи сифатида доимий) **қоим турувчилардир”** (Нисо сураси, 34-оят), дейилади.

Айни пайтда юртимиздаги айрим аёллар томонидан риоя қилинаётган “ўчоққа ёғ томишиш”, “чалпак пишириш”, “чиноқ ёқиш”, “пичоқ силаш”, “қон суркаш”, “чилтон суви ичиш” каби амаллар ортида заҳарли илон ва чаёнлар заҳридан-да аччиқ бўлган қисмат яширин. Мазкур амалларга банди бўлганлар охирати учун заҳар-заққум кўчатини экаётганлардир.

Агар уларни бу йўлдан қайтармоқчи бўлсангиз, бир овоздан бундай дейишади: “Бу ота-бобларимиздан қолган амал, қилмасак бўлмайди”. Ҳолбуки, Қуръони каримда бу ҳақда: **«Уларга** (мушрикларга): **“Аллоҳ нозил этган нарсага** (оятларга)

эргашингиз!” дейилса, улар: **“Йўқ, биз ота-бобларимизни не узра топган бўлсак, ўшанга эргашамиз”, дейдилар. Ота-боблар, бордию, ҳеч нарсага ақллари етмайдиган ва тўғри йўлдан юрмайдиган бўлсалар-чи?!»** дейилган (Бақара сураси, 170-оят).

Оилабошиларнинг аёли ва фарзандларини ўз ҳолича ташлаб қўйиши оилани маънавий қашшоқлик сари етаклаши мумкин. Афсус, ҳаётда аксар эр-каклар айни жиҳатни эътиборга олишмайди. Ўзи ибодатда бўлишига қарамай, аёлининг кунора фолбинга қатнашидан беҳабарлар, хабар топган тақдирда ҳам ўзини кўрмаганга, билмаганга соладиганлар бор. Гўёки бу нарсанинг ўзларига сира даҳли йўқдек. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло Ўз каломида эркакларга хитоб қилиб: **“... уларга насиҳат қилингиз”** (Нисо сураси, 34-оят), дея буюради.

Мавжуда
НУРИДДИНОВА

Кетса, қайтмас бойлик

Вақтни ғанимат билишга ёрдам берадиган энг муҳим омиллар:

- 1) ишларни тартибга солиш;
- 2) бекорчи ва беҳуда ўтиришлардан узоқлашиш;
- 3) барча ортиқча ишлардан воз кечиш;
- 4) вақтни қадрлайдиган одил, закий ва тиришқоқ кишилар билан дўстлашиш;
- 5) таржимаи ҳоллари кишини рағбатлантирадиган буюк уламолар ҳақидаги хабарларни ўқиш;
- 6) илмий ютуқларга эришишда вақтга эътибор бериш лаззатини туйиш;
- 7) мутолаадан лаззатланиш;
- 8) мустақил равишда маърифати ва маънавиятини юксалтириб бориш;
- 9) ҳар бир ишга жиддий ёндашиш ва ҳоказо.

Булар сизга вақт қадрини билиш ҳамда уни муҳофаза қилишни ўргатади. Сизни вақтни йўқ қилувчи эмас, уни касб қилувчи қилиб, вақтни зое қилувчи эмас, уни муҳофаза этувчи қилиб тарбиялайди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қимматли вақтнинг қадрини энг гўзал тарзда тасвирлаб берганлар: **«Тонги отган бирор кун йўқки, шундай нидо қилмаса: “Эй Одам боласи, мен янги кунман, амалинга шоҳидман, менадан фойдаланиб қол, мен қиёмат кунигача асло қайтмайман”».**

Ислоннинг асл моҳиятини нотўғри талқин қиладиган, динимизга нисбатан баъзи янглиш қарашга эга кишилар ҳануз учраб туради. Энг ёмони, бундай ғаразли кимсалар ҳали онгу тафаккури тўлиқ шаклланмаган баъзи ёшларни ўз домига тортиб, улардан бузғунчи ғояларни тарқатишда фойдаланмоқда.

Ислон ниқоби остидаги ақидаси бузуқ фирқалар раҳнамолари оятлар, ҳадислар турганда мазҳабларга амал қилинмайди. Тўғридан-тўғри оятлардан, ҳадислардан ҳукм оламиз, деб ёшларнинг онгини заҳарламоқда.

Оли Имрон сурасининг

беғуноҳ инсоннинг ўлимига сабабчи бўлишнинг гуноҳи жуда оғирдир.

Қуръони каримда: **“Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир”**, деб марҳамат қилинган (*Моидда сураси, 32-оят*).

Нисо сурасининг, 95-оятда Аллоҳ таоло айтади: **“Ўзрсиз бўла туриб (уйида) ўтирувчи мўминлар билан Аллоҳ йўлида моллари ва жонлари би-**

ни менсимаслик, уларга қўпол муомалада бўлишдир. Инсонларнинг қайси давлатда яшашига қараб муносабатда бўлиш суннатга зиддир. Бақара сурасининг 191-оятда Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Уларни (Макка мушрикларини) қаерда топсангиз, ўлдиригиз ва сизларни чиқарган жойдан (Маккадан) уларни чиқарингиз! Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир. Улар (биринчи бўлиб) бошламагунча, Масжидул Ҳарамда улар билан урушмангиз. Агар урушни (Ҳарамда) бошласалар, у ҳолда уларни ўлдиригиз! Кофирларнинг жазоси шундайдир”**.

АЛДАНИШДАН, АДАШИШДАН АСРАСИН

142–143-оятларида Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Ёки сизларнинг ичингиздан (Унинг тоати йўлида) жидду жаҳд қилганлар ва (қийинчиликларга) сабр қилувчиларни Аллоҳ билмай (синамай) туриб жаннатга кираверамиз, деб ўйладингизми? Сизларга ўлим келмай туриб, уни (шаҳидликни) орзу қилар эдингиз. Маана, энди (Ухудда) уни кўз ўнгингизда кўриб турибсиз”**.

Бу оятлар Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида мушрикларга қарши курашишда мусулмонларни руҳлантириш ва уларга тўғри йўл кўрсатиш учун нозил қилинган. Лекин бузғунчи тоифага мансуб айрим кимсалар одамлар гавжум жойларда ўзларини портлатиб юбориб, кўпгина беғуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлаётганларини, афсуски, билмайдилар. Бир

лан жиҳод қилувчилар тенг бўлмайдилар. Аллоҳ моллари ва жонлари билан жиҳод қилувчиларни (уйида) ўтирувчилардан (кўра) ортиқ даражали қилди. Ҳаммасига ҳам Аллоҳ чиройли (савоб) ваъда қилди. Аллоҳ улкан мукофот (тақсими)да ўтирувчилардан кўра, мужоҳидларни буюк ажр билан афзал этди”.

Бу оят билан Макка мушрикларидан қаттиқ азият чеккан мусулмонларга Мадинага келиб ўрнашганларидан кейин қасос олишга Аллоҳ томонидан рухсат берилган.

“Жиҳод” сўзи эса ҳамма вақт ҳам жанг ва уруш мазмунида эмас, балки жидду жаҳд, саъй-ҳаракат, ижтиҳод, кураш маъноларида ҳам келади.

Ёшлар орасида нотўғри шаклланаётган тушунчалардан яна бири бу – миллатчилик ва бошқа дин вакиллари-

Бу оят ҳам Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам замонлари ва ўша пайтдаги вазият шуни тақозо этгани учун нозил қилинган. Лекин бундай оятларни тушунмаслик оқибатида бошқа дин вакиллари ёки намоз ўқимайдиган инсонларга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлиш, уларни менсимаслик хатодир.

Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Сизларга икки нарсани қолдирдим. Уларни маҳкам тутсангиз, асло адашмайсиз: Аллоҳнинг Китоби ва суннатим”** (*Имом Молик ривояти*). Ислон ҳақ диндир. У инсонларга яхши муомалада бўлишни, мўминлар ва мўминаларни тенг кўришга чақиради.

Жаҳонгир АБДУПАТАЛОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети талабаси

Ойша

розияллоҳу анҳонинг кунялари

Арабларда кунялаш одати бўлиб, у улуғлик ва шафаф рамзи ҳисобланади. Киши қилган улуғ иши сабабли куня билан номланган. Кунялар одатда “Абу”, “Умму”, “Ибн” ва “Бинт” сўзлари билан бошланган.

Сиддиқнинг қизи, пок эканлиги осмондан хабар қилинган, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дунёю охирадаги жуфтлари бўлмиш Ойша розияллоҳу анҳонинг куня ва лақаблари қуйидагича бўлган:

1. Уммул мўминин

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг барча муҳтарама аёллари, шу қатори Ойша розияллоҳу анҳо ҳам ушбу ном ила номланган.

Аллоҳ таолонинг ушбу каломи бунга далилдир: **“Пайғамбар мўминларга ўзларидан ҳам ҳақлироқдир, унинг хотинлари эса уларнинг оналаридир”** (Аҳзоб сураси, 6-оят).

2. Умму Абдуллоҳ

Ойша розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Ё Расулуллоҳ, мендан бошқа барча аёлларингизнинг кунялари бор”, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: **“Ўф-**

линг (жиянинг, опанг Асмонинг ўғли) **Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг исмини куня қилиб ол. Сен Умму Абдуллоҳсан”**, дедилар. Ойша розияллоҳу анҳо фарзанд кўрмаган бўлса-да, ҳамма уни умрининг охиригача “Умму Абдуллоҳ” деб чақирган.

3. Аъиш

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам онамизни эркалаб, исмини қисқартириб чақирганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Эй Аъиш! Жаброил сенга салом айтпти”**, деганлари ривоят қилинган.

4. Муваффақа

Имом Термизийнинг “Шамойили Муҳаммадийя” китобида Набий алайҳиссалом Ойша онамизни “Эй Муваффақа!” деб чақирганлари нақл этилган. Бу сўз “қимматбаҳо тош” дегани бўлиб, “бахтли” маъносини ҳам англатади.

5. Хумайро

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Масжидга ҳабашлар ўйнаб кириб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: **“Эй Хумайро! Уларга қарашни хоҳлайсанми?”** дедилар.



“Ҳа”, дедим ва уларга қарай бошладим».

Имом Заҳабий айтади: «Арабларда чиройли оқ юзли инсонларга “Хумайро” сўзи ишлатилади». Демак, онамиз оппоқ, чиройли юзли аёл бўлган.

6. Сиддиқа

Саҳоба Абу Бакр Сиддиқнинг қизи бўлгани учун “Сиддиқа” деб номлаган. Бундан ташқари, ҳадис уламолари орасида “Сиддиқнинг қизи Сиддиқа” деган ном ҳам машхур.

Ирода АШУРОВА,
“Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси талабаси



Ҳажга доир аёлларга хос масалалар

САВОЛ: Аёл киши ҳаж ёки умрада эҳромдалигида қўлқоп кийиши ёки юзини беркитиши мумкинми?

ЖАВОБ: Аёл киши эҳромдалигида тикилган кийимларни кийиши мумкин.

“Аёл киши эҳромда ўзига зарур барча тикилган кийимларни, жумладан, катта ёпинчиқ кўйлак, оддий кўйлак, рўмол, маҳси, қўлқоп сингари кийимларни кийиши мумкин” (“Фатавои ҳиндия”).

«Мазҳабимизга кўра, аёл кишининг эҳромда қўлқоп киймаслиги мандуб (мустаҳаб)дир. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аёл киши (эҳромда) қўлқоп киймайди»**, деб марҳамат қилганлар» (“Ғунятун носик”).

Аёл киши эҳромдалигида қўлқоп кийиши жоиз, аммо киймагани афзалдир.

“Аёл киши эҳромда юзини беркитиши мумкин эмас, агар юзига бирор нарсани ёпиб олса ва у ёпинчиқ юзига ёпишмасдан турса, бунинг зарари йўқ” (“Бадоеъус саноеъ”).

САВОЛ: Ҳаж ва умрада сочни энг камида қанча миқдорда қисқартириш керак?

ЖАВОБ: Ҳаж ёки умра амалларини тугатгандан кейин аёллар сочларини қисқартирадилар. Улар сочининг учидан бир бўғин миқдорича қисқартирадилар.

Имом Ҳалабий раҳимаҳуллоҳ “Маносик” китобида шу иш (бир бўғиндан зиёдароқ олиш)ни яхши деб билган. Шурунбулолий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Менга равшан бўлгани шуки, ҳар бир соч толасидан (бир бўғин) олинади, дегани сочининг тўртдан бир қисмидан бир бўғин олиш бўлиб, бу вожибдир. Бошдаги ҳамма сочдан олиш эса авлодир”.

САВОЛ: Ҳаж ёки умрада таҳоратсиз саъй қилса, нима бўлади?

ЖАВОБ: Албатта, доим таҳорат билан юриш мустаҳабдир. Айниқса, Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара каби муборак масканларда бу ибодатга яна ҳам эътиборли бўлиш лозим.

Хоҳ ҳажнинг, хоҳ умранинг саъйи бўлсин, унда таҳоратли бўлиш суннатдир.

Саъй қилаётган кишининг таҳорати беҳосдан бузилса, унинг зиммасига бирор каффорат вожиб бўлмайди. Аммо таҳоратсиз саъй қилиш макруҳдир. “Фатавои ҳиндия” китобида бундай дейилган: “Саъй асносида таҳоратли бўлиш саъйнинг суннатларидан бўлиб, қасддан таҳоратсиз саъй қилиш макруҳдир. Кимки таҳоратли ҳолида саъй қила туриб, саъй асносида таҳорати бузилса ва шу ҳолида саъйни охирига етказиб қўйса, саъйи дуруст бўлади (яъни қайтадан саъй қилиши шарт бўлмайди)”.

Бунга имкон қадар эътибор қаратиш лозим. Бордию саъй асносида таҳорат бузилса, бу жиноят ҳисобланмайди ва зиммага бирор жазони вожиб қилмайди.

Ўзбекистон
мусулмонлари
идораси Фатво маркази
Тел: (78) 150-33-44



Енгилликлар, кенгчиликлар берилган

Ҳаж Исломнинг асосий руқнларидан. Шартлари топилиб, йўлга боришга қодир бўлиши биланоқ эркагу аёлга ҳаж қилиш фарз бўлади.

Ҳаж ҳам молиявий, ҳам бадабий ибодат. У аёллар учун осон бўлмайди. Чунки аёл киши табиатан эркаклардан фарқ қилади. Шуни эътиборга олиб, Ислом барча ибодатларда аёлларга енгиллик берган.

Муҳаммад Ҳаддод Забидийнинг “Мухтасарул Қудурий”га ёзган шарҳи – “Жавҳаратун наййир” китобида аёлларнинг ҳаж амаллари баён этилган.

Ҳажда аёллар эркаклардан асосан қуйидаги масалаларда ажралиб туради:

1) ҳажга фақат маҳрами билан йўлга чиқади. Шунингдек, аёл агар талоқ иддасида ёки эри вафот этгани сабабидан иддада ўтирган бўлса, ҳаж ёки умра зиёратига бориши мумкин эмас. Агар маҳрамсиз бориб ҳаж қилса, зиммасидан фарз соқит бўлади;

2) аёллар эҳром ҳолатида бирор махсус кийим киймайди. Эр-

каклар бошларини очиб юришлари шарт бўлса, аёллар ёпиб юришлари шарт. Лекин юзларини ёпишга рухсат йўқ. Шунингдек, аёл “Лаббайка”ни баланд овозда эмас, балки ўзи эшитадиган қилиб айтади;

3) тавоф жараёнида аёллар эркаклар каби рамл қилмайди, елкаларини очмайди. Оломон ичида, тикилинчда Ҳажарул асвадни истилом қилиши шарт эмас.

Агар аёллар ҳайз кўриб қолсалар, ўша заҳоти тавофни тўхтатиб, пок бўлганларидан кейин қайтадан қилади;

4) саъйда оломон кўп бўлган вақтда аёллар Сафо тепасига чиқмайди. Икки яшил чироқ орасида қадамларини тезлатмайди. Чунки Сафо ва Марва тепалигини саъй қилаётган пайтда икки устун орасида югуриш аёллар учун суннат эмас;

5) аёл киши издиҳомдан қўрқиб, Муздалифада туришни тарк этса, унга жазо йўқ. Яъни, бунинг учун аёлга жарима бўлмайди. Муздалифада туриш вожиб амалдир. Аммо инсонлар

кўп бўлганда аёлларга Муздалифада туриш машаққат туғдиргани боис уларга кенгчилик берилган;

6) аёл киши ҳайз ёки нифос сабабли Изофа тавофини кечиктирса, унга жазо йўқ. Яъни жарима вожиб бўлмайди. Аслида тавоф ҳажнинг фарзларидан ҳисобланади. Бу тавофни ҳайит ва ташриқ кунлари қилиш, ушбу кунлардан сабабсиз кечиктирган кишига жонлиқ сўйиш вожиб бўлади. Аммо ҳайз сабабли кечикса, жонлиқ сўймайди;

7) шайтонга тош отишда оломондан хавфсираган ҳолда аёл киши учун мустаҳаб вақтдан бошқасида, ҳатто кечаси бўлса ҳам, тош отишда кароҳият йўқ. Аслида, Минода тош отишнинг вожиб вақти заволдан қуёш ботгуничадир. Лекин қариялар, беморлар, аёлларнинг қуёш ботганидан кейин тош отишларида зарар йўқ. Чунки тош отувчилар жуда кўп бўлгани аёлларга ноқулайлик пайдо қилгани сабабли кечроқ отса жоиз;

8) ҳайз ва нифос сабабли Видо тавофини тарк қилса, унга жазо йўқ. Ҳажи ҳам ҳаж ҳисобланаверади. Видолашув тавофи вожибдир. Аммо аёл кишига ҳайзли ҳолатида тавоф мумкин бўлмагани учун ундан ушбу тавоф соқит бўлади;

9) аёл киши сочини тўлиқ олдиндайди, балки эҳромдан чиқиш вақтида сочининг учидан тўлиқ бир бўғим миқдорида кесиши kifoya.

Ислом енгиллик динидир. Ҳар соҳада аёлларга қулайлик ва осонлик яратилган.

Холиса ҲАЁТОВА,

*“Жўйбори Калон” аёл-қизлар
мадрасаси фиқҳ
фани ўқитувчиси*

Ожизаларнинг

зўравонлиги кўпаймоқдами?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили берган маълумотларга кўра, 2023 йилда болаларга нисбатан турли шаклдаги зўравонлик ёки тазйиқ ўтказилиши билан боғлиқ 28 та мурожаат Болалар омбудсманига келиб тушган. Мазкур мурожаатлар атрофлича ўрганилиб, мутасадди идораларга манзилли чора кўриш бўйича сўровлар юборилган.

– Кўп ҳолларда бола ҳуқуқлари бузилиши оилада содир бўлмоқда. Нотинч хонадонда улғайган боланинг дунёси остинустун бўлади, ҳаётга, эртанги кунга, инсонларга ишончи сўнади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) Сурайё Раҳмонова. – Албатта, инсон ҳаётида турли мураккаб вазиятларга дуч келиши мумкин, лекин у қийинчиликлар аламини фарзандидан олиши ғирт аҳмоқликдир. Баъзи ота-оналар учун фарзанд “шахсий мулкка” айланиб қолгандек. Масалан, ўтган йили гул дўкониди маст

аёлнинг қизини ургани кенг муҳокамага сабаб бўлди. Тасаввур қилинг, бу она йил



лар давомида уйида фарзандини қандай босим остида сақлаган?

Оналик лаёқати бўлмаган, зарарли одатларга ўрганган аёллар билан ишлаш, уларнинг фарзандларига соғлом муҳит яратиш чоралари кўрилмоқда. Айниқса, аёлларнинг эрига ёки бошқаларга жаҳл қилиб фарзандларини қўрқитиб, тан жароҳати етказиб, руҳий босим ўтказиш ҳолатлари кўп кузатиляпти. Ўтган йили кузда

Урганч шаҳрида яшовчи она кичик ёшдаги уч нафар боласига шафқатсизларча ёқиб юбориш билан таҳдид қилгани, Наманган туманида 2013 йилда туғилган фарзандини аёвсиз калтаклаган она воқеаси ҳали ёдимизда. Уларга нисбатан терговга қадар текширув ўтказилиб, ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилиб, ишлари назоратга олинди.

Дунёни англаш, шахсий ривожланиш даври бола учун мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида бўлади. Ижтимоий тармоқларда болаларга нисбатан турли кўринишдаги зўравонлик тасвирлари учраб турибди.

Ўтган йилнинг декабрида Қибрай туманида жойлашган “Лого билим” таълим маркази мураббийси 2019 йилда туғилган болага қўл кўтаргани сабаби ўрганилди. Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 217-мактаб директорининг 8-синф ўқувчиси-ни ургани ҳам ўрганилиб, ҳуқуқий баҳо берилди.

Бизга нафақат ота-оналардан, болаларнинг ўзидан ҳам мурожаатлар келади. Масалан, жорий йилнинг 3 апрель куни 2010 йилда туғилган Бўстонлиқ туманида яшовчи қиздан шикоят келиб тушди. У синфдошлари томонидан тазйиққа учраётгани, бунга мактаб маъмурияти ва бошқалар ҳам эътиборсиз эканини билдирган. Ўрганишлар

натижасида тазйиқ ўтказганларнинг ота-оналарига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси 1-қисми (Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик) асосида маъмурий чора кўрилди.

Фарзанд тарбияси борасида айтилган кичик сўзнинг ҳам аҳамияти катта эканлиги ҳақида ҳадислар бор. Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйимизда ўтирганларида онам мени чақириб: “Бери кел, бир нарс бераман”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: “Нима бермоқчисан?” дедилар. “Мен унга хурмо бермоқчи эдим”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аммо агар унга ҳеч нарс бераганингда сенга ёлғон ёзилар эди”, дедилар» (Имом Абу Довуд ва Имом Байҳақий ривояти).

«Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳлу аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган оловдан сақланг. Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар» (Таҳрим сураси, 6-оят).

Ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Ҳар бирингиз мутасаддидир ва ҳар бирингиз қўл остидагилари учун масъулдир. Имом мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Эркак ўз оиласида мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Аёл эрининг уйида мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир...»** деяётганларини эшитдим» (Имом Бухорий ривояти).

Камола АДАШБОЕВА

Фарзандларингизга намуна бўлинг

Бола тарбиясида ота-онанинг ўзи тақвода ўрнатилган бўлиши лозим. Чунки бола ота-онага қарайди. Уларнинг қилган ишини такрорлашга, юрган йўлдан юришга интилади. Ота-она тўғрисида бўлса, бола ҳам тўғрисида бўлади. Ота-она ёлғончи бўлса, бола ҳам ёлғончи бўлади.

Чиройли насиҳат қилинг


Чиройли насиҳат бола тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Аллоҳ таоло айтади:

«Эсланг, Луқмон ўғлига насиҳат қилиб, деган эди: **“Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки ширк улкан зулмдир»** (Луқмон сураси, 13-оят).

Ҳалол ризқ

Эй меҳрибон ота-она, таомингиз, кийимингиз, ҳар бир нарсангиз ҳалол бўлсин. Шояд, Аллоҳ таоло фарзандингизга салоҳият ва баракот сўраб қилаётган дуоларингизни ижобат қилса. Чунки ҳаром мол сабаб уйдан барака кетади. Ҳаром луқма киши дуосига тўсиқ бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Сочи тўзиган, ғубор босган, қўп сафар қиладиган киши, қўлини осмонга кўтариб: “Эй Раббим, эй Раббим”, дейди. Ҳолбуки, таоми ҳаром, шароби ҳаром, кийими ҳаром... Унинг дуоси қандай ижобат бўлсин?»** дедилар (Имом Муслим ривояти).





(Давоми.
Бошланиши ўтган сонларда.)

ТОМЧИЛАР...

Бир куни ўзимга ўзим: «Ҳақиқатда Аллоҳ сени севадим?» деб савол бердим.

Кейин эслаб кўрсам, Аллоҳ бандаларига нисбатан муҳаббатининг сабабларини ўзининг китобида зикр қилган экан. Саволимга жавоб топиш учун Аллоҳнинг китобини варақлай бошладим. Унда: **«Тақводорларни севади»**, деган оят чиқди. Ўзимни тақводорлардан деб ҳисоблашга журъат қила олмадим. Кейин: **«Сабр қилувчиларни севади»**, деган оятни топдим. Ўзимда сабр етишмаслигини эсга олдим. Сўнгра **«Яхшилик қилувчиларни севади»**, деган оятни топдим. Қидиришни тўхта-тиб қўя қолдим. Чунки Аллоҳ мени севишига сабаб бўлувчи бирор нарса топа олмасликдан чўчидим. Ба-

жарган амалларимни текширишни бошладим. Қарасам, аксари камчилик ва гуноҳларга қоришиб кетганини ҳис қилдим. Шунда Аллоҳнинг **«Аниқки, Аллоҳ тавба қилувчиларни севади»**, деган сўзи эсимга тушди. Шу оят мен ва мен каби гуноҳкорларга тааллуқли эканини тушундим ва шояд, Аллоҳ мени ҳам севиши учун **«Астағфируллоҳал ъазийм ва атубу илайҳ»**, деб пичирлашни бошладим.

Маъноси: «Буюк Аллоҳдан гуноҳларимни кечиришини сўрайман ва Унга тавба қиламан.

Тўғри, аёл киши одамларга чиройли гапиради, хушмуомала бўлади.

Меҳмонларини ва дугоналарини очиқ юз, ширин сўз, юксак одоб ва табассум билан қарши олади. Аммо, афсуски, эрини фақат қовоғи солиқ, хўмрайган, пешонаси тиришган, кайфияти тушган ҳолда, қўпол сўзлар билан кутиб олади. Ҳа, эрига мана шундай муомала қилади!

Кўчага безаниб, зийнатланиб, бўяниб чиқади. Эрига эса, нуқул сочлари тўзиган, хўмрайган, кийимларидан ёғнинг, пиёз ва саримсоқпиёзнинг ҳиди анқиб турган ҳолда кўринади.

Шайх Али ТАНТОВИЙ

Эй қизим!

Ёдда тутинг, жаннат аҳли Аллоҳни зикр қилмаган соатга афсусланганчалик бирор нарсага афсусланмайди. Қалб борлиқдаги энг муқаддас икки нарса: иймон ва муҳаббатнинг манзилидир. Ақлнинг жонсиз ва ожиз эканига, унинг муҳаббатни англолмаслиги ва иймонни идрок этолмаслиги етарлидир.

Баъзи бир йигитлар сартарошхоналарда сочларини замонавий услубда тартибга келтиради (причёска қилдиради). Бунга ҳатто соатлаб вақтини, пулини сарфлайди.

Кейин кун бўйи қаттиқроқ шамол эсиб қолишидан ёки автобусдаги тиқилинчда бирорта бегона қўл беҳосдан тегиб кетиб, бошидаги “санъат асарини” бузиб юборишидан хавотирланиб юради. Мабодо боши қичиб қолса ҳам, кун бўйи қашинишдан ўзини тийиб, ҳаммасига чидаб юради. Хўш, нима учун хавотирга тушиб, шунча азобга чидаяпти? Албатта, одамлар учун! Ҳамма яхши нарсаларимиз одамлар учун!

(Давоми бор.)

Таржимонлар:

**Иймон Али КИТОБАЛИЕВ,
Сайдуллоҳ АҲМЕДОВ**



Оилада уч ўғилмиз. Мен кенжасиман. Беш ёшимда отам вафот этган.

Отам билан бирга бир марта Дамашқ чеккасидаги бир уйга – отамнинг дўстиникига борганимни эслайман. Вафотидан кейин у кишининг укаси, яъни амаким ҳолимиздан хабар олиш учун ҳар куни келар эди. Масофа узоқ бўлишига қарамай, ҳар куни келиб бизга кўплаб яхшиликлар қилган.

Ҳозир катта акам таълим-тарбия соҳасида масъул

часи онамнинг шарофатидан. Волидамга бўлган чексиз муҳаббатимни кўксимнинг тубида сақлайман.

Онам 9 йил касал бўлиб ётиб қолди. Агар акамнинг уйига борсам, унинг хонадонига бирор салбий хабарни етказишимни онам қатъиян тақиқлаган эди. Акам ҳақида ҳам нохуш бир сўз айтишим мутлақо мумкин эмасди. Ака-укалар ўртасидаги меҳримиз ҳам онам берган тарбия самарасидир.

Онамнинг шаҳар чети-

да яшайдиган синглиси бор эди. Хасталанишдан олдин синглисиникига унинг фарзандлари учун таом тайёрлашга борарди. Ақл бовар қилмайди!

Оилани идора қилиш – жуда нозик иш. Бу ишда бизга яқинларимиз ҳақида салбий маълумот етиб келмас экан, олдимиздаги масала анча енгиллашади. Хурсанд қиладиган хабарлар ўрнига салбийлари етказилаверса, оиладаги муҳаббатга дарз кетади. Оила меҳр-муҳаббат устига қурилса, жаннатга айланади! Қасрлар бор, лекин ғам-ғуссага тўла. Баъзи кулбалар эса, айти жаннатнинг боғчасидир.

Яна бир бор ўзим тушуниб, иқрор бўлган нарсани айтмоқчиман: ота-онага яхшиликнинг мукофоти жуда улуғ. Аллоҳ таоло Исро сураси 23-оятда: **“Раббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онангга яхшилик қилишингни амр этди”**, дейди. Ота-онага яхшилик қилишни ибодат даражасига кўтарилди. Оила меҳр, самимият ва четдан турли дилни хуфтон қиладиган гап-сўзларни аралаштирмаслик асосига бино қилинса, фароғат қасрига айланади.

Мен бундай таълимни ОНАМдан ўргандим!

**Доктор Муҳаммад
Ротиб Нобулсий**

Онамининг баракаси

лавозимда ишлайди. Иккинчи акам эса ўрта мактабда мудир. Мен толиби илмман. Онажонимнинг бизга эътибори чексиз. Уйланишимдан олдин у ўзидаги бор нарсани менга берди.

Онам гўзал хулқ соҳибаси эди. Меҳмон кутишни жуда яхши кўрарди. Ким келишидан қатъи назар, турли меваларни, мазали овқатларни пишириб дастурхонга тортар эди. Нимага эришган бўлсам, бар-



Аёллар ҳам

қурбонлик қилишади

Қурбонлик ҳижрий иккинчи йили вожиб бўлган. Аммо унинг тарихи Иброҳим алайҳиссалом даврларига бориб тақалади. Бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қурбонлик қилинглари! Албатта, у отамиз Иброҳим алайҳиссаломнинг суннатларидир”**, деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Қурбонлик луғатда “яқинлашмоқ”, “яқин бўлмоқ” маъноларини билдириб, истилоҳда бу сўз Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш мақсадида жонлиқ сўйишни англатади.

Агар аёл кишининг тақинчоқлари, бир йилда ҳеч ишлатилмайдиган идиш-товоқлари ва бошқа буюмлари 85 грамм тилла ёки 596 грамм кумушнинг қийматига етса, зиммасига қурбонлик қилиш вожиб бўлади. Ҳозирги кунда аёллардан бой-бадавлат бўлганлари талайгина. Аёл ўз номидан қурбонлик қилар экан, қурбонлиги тепасида туради ёки вакилини қўяди.

Хусайн ибн Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Кимки қурбонликни хурсанд ва савоб умидида қилса, у (қурбонлик) учун дўзахдан парда бўлади”**, дедилар (Имом Табароний ривояти).

Аллоҳ таоло учун сўйилган жонлиқ қиёмат кунда шохла-

ри, юнглари ва туёқлари билан келади. Унинг қони ерга тушмасидан бурун савоби Аллоҳ таолонинг ҳузурида ёзиб қўйилади.



Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг “Ижтимоий одоблар” китобига асосланган ҳолда қурбон ҳайити кунлари муслмонлар риоя этиши керак бўлган бир қанча одобларни келтирамиз:

1. Байрам кунлари рўза тутмаслик.

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Арафот, қурбонлик ва ташриқ кунлари биз – аҳли Исломнинг байрамимиздир...”** дедилар (“Сунан” эгалари ривояти).

2. Такбир айтиш.

Ҳайит кунлари такбири ташриқ айтиш, яъни: “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу

акбар! Аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд”ни бир марта айтиш вожиб, ундан кўп айтиш мустаҳаб.

Аллоҳ таоло: **“Саноқли кунларда Аллоҳни зикр қилинг”**, деб марҳамат қилган (Бақара сураси, 203-оят). Ушбу оятда Аллоҳ таоло ташриқ кунларида Ўзини эслашга, зикр қилишга буюрмоқда.

Икрима розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«“Саноқли кунларда Аллоҳни зикр қилинг” дегани “Ташриқ кунларида фарз намозларидан сўнг “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!” деб такбир айтинг”, деганидир»**. Бу такбирни Арафа кунининг бомдодидан ҳайитнинг охиригача куни аср вақтигача айтиш мустаҳабдир.

3. Аллоҳ розилиги йўлида ҳайит намозидан сўнг қурбонлик қилиш.

Аллоҳ таоло айтади: **“Унинг (қурбонликнинг) нагўшти ва на қони Аллоҳга етиб борур! Балки (шу иш орқали) сизлардан пайдо бўлган тақвогина Унга етур”** (Ҳаж сураси, 37-оят).

Инсон холис ният ила қилган қурбонлиги сабабли тақвоси қувватланади.

Марямхон АБДУЛЛАЕВА,
“Ҳадичаи Кубро” аёл-қизлар
ўрта махсус
ислом таълими
муассасаси раҳбари



Имом Абу Муҳаммад Жувайний пешона тери, ҳалол меҳнати билан маблағ тўплаб уйланганди. Ўғил кўргач ҳам унга фақат тоза, ҳалол нарсалар едирди.

Ҳикоя қилинадики, кейинчалик икки ҳарам имоми бўлган унинг ўғли илмий мунозара чоғи бир масалани баён этишда тараддудга тушиб, ўйланиб қолди. Одамлар:

– Эй имом, сизда аввал кузатилмаган иккиланиш юз берди. Бунинг сабаби нима? – деб сўрашди.

Шунда у:

– Бу ўша бир ютум сут қолдиғининг асорати деб ўйлайман, – деди.

– Эй имом, бизга тушунтириб беринг, у бир ютум сут ҳодисаси қандай бўлган?

Бир ютум сутнинг асорати

Имом ҳикоясини бошлади:

– Онам отамга овқат тайёрлаш билан овора эди. Ўшанда мен эмизикли гўдак бўлиб, йиғлаган эканман. Қўшнилариимизнинг эмизикли боласи бор жорияси ҳам бизникида бўлган экан. Йиғлаганимни кўриб, у менга кўкрак тутган ва мен бир-икки ютум эмган эканман. Шунда отам кириб қолиб, уни бу ишдан қайтариб: “Бу жория бизники эмас. У сутини ҳам ўзи хоҳлагандек тасарруф қила олмайди. Чунки хожасига тобе”, деган. Кейин мени оёғимдан тутиб кўтарган, силтаб, қорнимни силаб, мажбурлаб қайт қилдирган экан. Эҳтимол, ўша шубҳали луқманинг асорати бугун юзага чиққандир...

*“Солиҳлар ҳаётидан сара нақл
ва хабарлар” китобидан*

* * *

Баъзилар ота-онасига такаб-бурлик қилади. Балки ундайлар бирон илмий унвонга сазовор бўлган, ота-онаси эса бир сабаб билан илмдан баҳраманд бўлолмагандир. Сиз бундай қилишдан сақланинг! Мабодо шундай қилсангиз, ота-онанинг розилигидан бебаҳра қоласиз! Илмингиз тоғларча бўлса ҳам, сизга наф бермайди.

* * *

Оила аъзоларингиз ва дўст-ёрларингиз борасида чиройли гумонда бўлинг. Имом Шофеъий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Чиройли гумон қилиб, хато қилишинг ёмон гумон қилиб, тўғри топишингдан яхшироқдир”.

* * *

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Шундай жамоаларни кўрдим. Уларнинг вақтларига бўлган ҳирслари сизнинг динор ва дирҳамларга бўлган ҳирсларингиздан кучлироқ эди”.



Сиз бекорчи эмассиз...

Ҳаётда кўрамиз: баъзан оилабоши бўлган эркаклар яхшироқ иш тополмагани сабабли умидсизликка, тушкунликка тушиб қолишади.

Эй аёллар! Эрингиз ё ўғлингиз шундай ҳолга тушган бўлса, қуйидагиларни уларга эслатинг: «Муҳтарам қатъиятли йигит! Сиз бекорчи эмассиз. Балки ризқ келишининг сабабларини амалга оширган, қўлидан келганини қилаётган мусулмонсиз. Аллоҳдан тавфиқ сўраб, ўз йўлингиздан кетмоқдасиз. Мабодо ишсиз бўлсангиз ҳам, омадсизлигингиз учун эмас, айти пайтда вазият шуни тақозо қилиб тургани учун иш топа олмаяпсиз. Аммо Аллоҳнинг раҳмати жуда кенгдир.

Ризқингиз белгилаб қўйилган, ишингиз ҳукм қилиб бўлинган, тақдирингиз битилган. Дарвоқе, Раббингиз раҳмли, Карим ва Қайюм Зотдир. Шундай экан, сиқилиш ўринсиз. Умидсизлик чангларини қоқиб ташланг. Ўрнингиздан туринг! Унча-мунчага синмайдиган одамлигингизни ўзингизга исботланг.

Иш йўқ, дегани мақсадга ета олмайсиз, дегани эмас, балки сиз билмаган бир йўл бор, шуни қидиринг. Ҳозирги даврингиз танаффус ёки бир нафас ростлаб олишдек гап. Бу оворагарчиликлар ортида Аллоҳнинг қазою қадари ва сиз учун хайрли нарсаларни эҳсон қилиши

бордир.

Янги қадамлар ташлаб, барчасига бошидан уриниб кўринг. Қийинчилик бўлиши табиий.

Берилган ишни пухта бажаринг. Ипидан игнасиғача эътибор қаратинг.

Маҳоратингиз ошиб, ишингиз пишиб боргани сари сизга одамларнинг эҳтиёжи кўпайиб бораверади. Ишни қилинг-у, Аллоҳдан баракасини сўранг.

Бирон одамнинг иши юришаётганини кўрсангиз: “(Эй Муҳаммад!) **Барчага – мана бу (мўмин) ларга ҳам, анави (кофир) ларга ҳам Раббингизнинг неъматидан ато этурмиз. Раббингизнинг неъмати (ҳеч кимдан) ман этилувчи эмас. (Бу дунёда) уларнинг бирларидан бирларини (ризқ ва мартабада) қандай устун қилганимизни кўринг! Шак йўқки, охират даражалари каттароқ ва афзалроқдир**” (Исро сураси, 20–21) оятларини ёдга олинг. Зеро, ҳақиқий ўлчов охиратда бўлади, бу дунёда эмас.

Эй йигит! Сизга ёзилган насибани биров уриб кетишидан хавотир олсангиз, сизга қувват бўладиган оят ушбудир:

Аллоҳ таоло айтади: “**Агар Аллоҳ сизга бирор зарар етказса, бас, Унинг фазлини қайтарувчи (куч) ҳам йўқдир. Уни (фазлини) бандаларидан хоҳлаганига етказур. У кечиримли**

ва Раҳмлидир” (Юнус сураси, 107-оят). “**Албатта, Раббингиз осмонлар ва Ерни олти кунда яратиб, сўнгра Арш узра “муставий” бўлган Аллоҳдир. Иш тадбирини (пухта) кўрар. Унинг изнисиз бирор шафоат қилувчи бўлмас. Ана ўша Аллоҳ Раббингиздир, Унга ибодат қилингиз! Бас, (бундан) эслатма олмайсизми?!**” (Юнус сураси, 3-оят). Қалбингиз безовта бўлса, бу оят сизга сакинат бахш этади.

Олдингизда тўғаноқ бўлаётган кимсалар, сизни ишдан узоқлаштираётган нарсалар тоғчалик катта эмаслиги табиий. Шундай экан, энг буюк Зотдан ёрдам олинг. «(Эй Муҳаммад!) **Улар Сиздан тоғлар (қиёматда нима бўлиши) ҳақида сўрасалар, бас, айтинг: “Парвардигорим уларни (чанг-тўзон каби) сочиб юборур”**» (Тоҳа сураси, 105-оят).

«(Аллоҳ) **айтди: Шундай. Раббинг айтурки, бу (иш) Менга осондир. (Ахир) Мен сени илгари ҳеч нарса бўлмаган пайтингда (ҳам) яратган эдим-ку!**» (Марям сураси, 9-оят). Билингки, ҳаётдаги қийин ишлар Аллоҳнинг изни билан осон бўлади».

Дилнозахон
ХАЙРУЛЛАХОНОВА,
Пискент тумани
“Мўминобод”
маҳалласи отинойиси

Лоқайд эрнинг озори

Яқинда бир аёл билан суҳбатлашдим. Кўринишидан бахтли, ҳеч қандай камчилиги йўқдай гўё. Лекин у кутилмаганда бундай деди: “Эри пул берадиган аёлларга ҳавасим келади. Афсуски, менинг эрим кўчадаги танишларидан, қариндошларидан ортмайди. Пул сўрасам: “Ишляпсан-ку”, дейди”.

Мен: “Ишламасангиз нима бўларкин?” дедим. Ишламаса, эри озгина берганини миннат қилиб: “Шунча пулни қарерга совурдинг?” деб дашном бераркан.

Афсус, бундай эркаклар оз эмас. Оиласи муҳтож бўлганида, рўзғорига арзимас пул бериб, яқинларига ўзини кўрсатиб, оиласини унутганлар ҳам бор.

Рўзғор ташвишини елкага ортиб, бозорма-бозор, юртма-юрт юрган аёллар оз эмас. Совуқнинг захрини билмай, иссиқнинг тафтида куйганча баъзан ўзига касаллик орттириб олишади. “Унинг жони қирқта, ўлмайди” дейсизми? Балки аёл сабр-бардошли бўлар, аммо бу аҳволда у сизга қандай қилиб оқила рафиқа, меҳрибон она, муносиб бека бўлсин?

Шайх Фузайл Иёз раҳимаҳуллоҳ: “Агар инсон ҳаммага яхшилик қилса-ю, уйдаги товуғига бефарқ қараса, у ҳақиқий мусулмон эмас”, деган. Тўғри, инсон ота-онасига, қариндошларига яхшилик қилиши керак, шу билан бир-



га, оиласини ҳам таъминлаб қўйиши зарур.

Аёлини пул топиб, рўзғор тебратишга ундаётган эркаклар хотинларнинг ҳақларига амал қиляптими? Топган ойлигининг бир чақасини ҳам

ган аёлнинг руҳиятида, саломатлигида муаммо бўлмайди. Илми, ҳунари билан аёл жамиятга қай даражада керакли бўлса, соғлом фитрати билан у бундан ҳам кўпроқ манфаатли бўлишини унутмайлик.

Шариатимизга кўра, эр аёлини нафақа (таом, кийим, маскан) билан таъминлаши вожиб ҳисобланади. Баъзи уламолар унга аёлнинг дори-дармони, аёл хизматчисининг ҳаққи, хушбўйликнинг пули, тозалик воситаларини ҳам қўшишган. Нафақанинг миқдорини белгилашда эр-хотиннинг ҳолати эътиборга олинади. Шу боис оила қурмоқчи бўлган йигитларимиз касб-хунар қилиши, мустақил равишда аёлини нафақа билан таъминлай олиши керак.

Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аёллар борасида Аллоҳдан қўрқинг! Зеро, сизлар уларга Аллоҳнинг омонати ила эришдингиз ва фаржларини Аллоҳнинг калимаси билан ҳалол қилиб олдингиз”, деганлар (Имом Табарий ривояти).

ўзига ишлатмайдиган аёллар бор. Уларнинг рўзғорини, эрини яхши билмаганлар: “Шунча пул топиб ҳам, баракаси йўқ”, дейишади.

Аслида, барака эркакларнинг топганида. Оиласи етарли таъминланган, ўзи эса хотиржам иш ва оиласига улгур-

Хосият ҚОСИМОВА,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси Сурхондарё вилояти вакилининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси

Дуолар қўрғони

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Азон айтилаётганда

Муаззин айтаётган сўзларни такрорланг. Фақат “**Ҳаййа ʼалас солах, ҳаййа ʼалал фалах**”, деганида “**Лаа ҳавла валаа қуввата илла биллаҳ**”, деб айтингиз.

Азон айтилганидан сўнг

رَضِيتُ بِاللّٰهِ رَبًّا وَبِالْإِسْلَامِ دِينًا وَبِمُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَسُولًا.

“Розийту би-л-лаҳи Роббан ва бил ислами дийнан ва би Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи ва саллама росулан” (Имом Муслим ривояти).

Маъноси: “Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Муҳаммад алайҳиссаломни расул деб қабул қилдим”.

اللَّهُمَّ رَبِّ هَذِهِ الدَّعْوَةُ النَّامَةُ، وَالصَّلَاةُ الْقَائِمَةُ، أَتَى مُحَمَّدًا الْوَسِيلَةَ وَالْفَضِيلَةَ، وَابْعَثْهُ مَقَامًا مَحْمُودًا الَّذِي وَعَدْتَهُ

“Аллоҳумма робба ҳазиҳид-даъватит-таммати вас-солатил-қоимати, ати Муҳаммаданил-васийлата вал-фазийлата, вабъасху мақоман Маҳмудани-л-лазий ваъадтах” (Имом Бухорий ривояти).

Маъноси: “Ушбу комил даъватнинг, ҳозир бўлган комил намознинг Парвардигори, эй Аллоҳ! Муҳаммад алайҳиссаломга васила (қиёматда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуолари – сўровлари билан ҳисоб бошланади) ва фазилат ато этгин. Уни ўзинг ваъда қилган мақтовли мақомга чиқаргин”.

Азон минорасини бўяб чиқинг.

Аллоҳ таолога энг сеvimли амал намозни вақтида ўқишдир.

Шу боис азон дуосини эшитибок, намоз ўқишга шошилинг.



Уйдан чиқаётганда ўқиладиган дуо



“Бисмиллаҳи, таваккалту ʼалаллоҳи. Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ” (Имом Абу Довуд ривояти).

Маъноси: “Бисмиллаҳ, Аллоҳга таваккал қилдим. Куч-қувват ёлғиз Аллоҳдандир”.

Илтимос, менга ёрдам беринг. Намоз ўқиш учун масжидга киришни истайман.






Машинага минганда ўқиладиган дуо



“Бисмиллаҳ, алҳамдулиллаҳ. Субҳаналлазий саххоро лана ҳаза ва ма кунна лаху муқринийн. Ва инна ила Роббина ламунқолибун” (Имом Абу Довуд ривояти).

Маъноси: “Аллоҳ номи билан, Аллоҳга ҳамд бўлсин. Бизларга бу кема ёки от-уловни бўйсундириб қўйган Зот (яъни, Аллоҳ барча айбу нуқсондан) покдир. Биз ўзимиз бунга қодир эмасмиз”.

Машинада боришни истаган жойингизнинг расмини чизинг.



Эслатма:

Отангиз машина бошқараётганда кўп савол бериб уни чалғитманг. Чунки машина ҳайдаш эътиборни бир жойга қўйишни талаб этади.

Ҳомиладорликнинг олдини олиш ҳақида

Баъзан оилада фарзандлар кўп бўлиб, бири энди тетапоя қилиб юраётган, каттаси қўшнинг боласи билан уришаётган, яна бири ҳовлида шовқин солаётган, бири эса ҳали онанинг қўлида эмизикли бўлади. Она бечора бу ҳолатда нима қилишини билмай қолади. Ахир уларнинг қай бирига алоҳида эътибор бериб, тарбияси билан шуғулланади?

Бу борада “Фатавои Шомия” ва “Фатавои Оламгирия”да қуйидаги фатволар келади: “Фарзандларни муносиб тарбиялаш учун она икки фарзанднинг орасида вақт сақлаб, ҳомиладорликнинг олдини оладиган воситалар қўллашига ижозат берилади”.

Бу фатвога озгина изоҳ бериш лозим.

Амаллар ниятга боғлиқдир. Агар киши: “Биз камбағалмиз, келажакда туғиладиган фарзандни боқа олмаймиз”, деган тушунча билан ҳомиладорликнинг олдини олишга ҳаракат қилса, бу Ислом таълимотларига зиддир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай огоҳлантиради: “(Эй инсонлар!) **йўқчиликдан қўрқиб, болаларингизни ўлдирманг!** Уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ўзимиз ризқ берурмиз. Уларни ўлдириш катта хатодир” (Исро сураси, 31-оят).

Муфасссирлар “йўқчиликдан қўрқиб” деган жумлани бундай изоҳлашган: Агар кимдир: “Туғиладиган фарзандимни қаердан едириб-ичираман? Ўзи фарзандларим кўп бўлса” деб, боланинг ризқидан хавфда, фарзанд кўришнинг олдини оладиган дориларни ичса ёки хотинига ичирса, шариатда ман этилган ҳаром ишни қилган бўлади. Лекин онанинг саломатлиги сабаб бўлиб, тажрибали шифокорнинг тавсияси билан махсус воситаларни қўллаш жоиз.

Шайх Зулфиқор

Аҳмад Нақшбандийнинг

“Солиҳ фарзанд қандай тарбия қилинади?” китобидан

Етим ким?

Унинг ҳақлари нима?

Фуқаҳолар наздида отаси вафот этиб, ўзи балоғатга етмаган бола етимдир.

Қуръони каримда йигирма уч ўринда етимлар зикр этилган. Етимнинг ҳақи, уни қарамоққа олиш савоб экани, етимга зулм қилмаслик ҳақида юзлаб ҳадислар бор.

Саҳоба, тобеин ва табаа тобеинлар етимнинг ҳақи-га нисбатан ўта эҳтиёткор бўлишган. Уни едириб-ичириш, тарбияси ва муҳофазасини ўз зиммаларига олишган. Агар ораларида бирор киши вафот этиб, етим фарзанди қолса, уни ўз қарамоқларига олишга шошилишган.

Етимга яхшилик қилишда биз билган ва билмаган дунёвий, ухровий фойдалар бор. Етимга ғамхўрлик қилинадиган жамиятда инсонлар ўртасида ўзаро муҳаббат ва самимият ҳукмрон бўлади. Аксинча, етимга эътибор қилинмаса, ҳолидан хабар олинмаса, у дуч келган қийинчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаса, тарбиясига бефарқ бўлинса, у келажакда ножоиз ишларга қўл уриши мумкин.

Етимга ғамхўрлик қилмаган, ҳақини поймол қилган кишига охиратда аламли азоб бор: **“Албатта, етимларнинг молини зулм ила еганлар қоринларида оловни еган бўлурлар. Ва, шубҳасиз, дўзахга кирурлар”** (Нисо сураси, 10-оят).

Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Икки заифнинг – аёл ва етимнинг молидан узоқ бўлишингизни васият қиламан”**, деганлар (Имом Ибн Можжа ривояти).

Шариатимизда етимга нисбатан алоҳида мажбуриятлар бор. Улар қуйидагилар: етимни қарамоғига олиш унинг энг яқин эркак қариндошларига кетма-кетликда вожиб. Акаси, акаси-

нинг болалари, амакиси, амакисининг болалари ва ҳоказо.

Агар улар бўлмаса, узоқроқ қариндошлар, улар ҳам бўлмаса, қўни-қўшни, қўшнилар ҳам бўлмаса, мусулмон умматининг барчасига вожибдир. Мусулмон етим кимсасиз ва қаровсиз қолдирилиши шаръан ҳаром саналади. Ҳеч ким унинг кафиллигини зиммасига олмаса, ҳамма бирдай гуноҳкор бўлади.

Етимни яхши едириб-ичириш, яхши кийинтириш, имкон даражасида шарт-шароити бор уйда яшатиш лозим. Бунинг эълон қилинган шахс болани қийинчиликка солмаслик учун бошқалардан ёрдам сўраши керак. Қашшоқлиги сабаб бола қийналмаслиги зарур.

Қарамоғига олган ҳам, бошқалар ҳам доим етимга эҳсон қилиб туриши, унинг мол-мулки фақат ўзига сарфланиши лозим. Агар қарамоғига олган киши камбағал бўлса ва етимнинг отасидан қолган моли бўлса, етимдан ортганини инсоф билан ейиши мумкин. Улғайиб, ақлли-хушли бўлганида унга мол-мулкни тўла-тўқис қайтариб беради.

Етимга сўз ва хатти-ҳаракатларда ҳам яхшилик





қилиш, энг гўзал ҳолатда муомалада бўлиш, ўқитиш, дин ва дунё билимларини ўргатиш, касб-корли қилиш, тарбиясига эътибор бериш, солиҳ инсон қилиб вояга етказиш, уни ҳақиқий маънода яхши кўриш ва бунини унга билдириш лозим.

Етимни ўз кафиллигига олган кишига динимизда кўплаб хушxabарлар ворид бўлган. Саҳл ибн Саъд розияллоху анху ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Мен ва етимнинг кафили жаннатда мана бундоқ-миз”,** деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларини бирлаштириб кўрсатганлар» (Тўртовлари ривоят қилишган).

Ибн Аббос розияллоху анхумо ривоятида Набий алайҳиссалом: **“Ким икки мусулмондан бўлган етимга таом ва ичимлик берса, албатта, Аллоҳ уни жаннатга киритади. Кечирилмайдиган гуноҳ қилган бўлса, бундан мустасно”,** деганлар (Имом Термизий ривояти).

Бугунги кунда ҳақиқий етимдан ташқари ота-онаси бор бўлса-да, меҳрга зор, тарбияга муҳтож болалар бор. Яъни, эр-хотин ажрашиб, ўртада сарсон бўлаётган минглаб болаларнинг ҳақлари поймол бўлмоқда. Ота аёлига аччиқ қилиб фарзандига алимент тўлашдан бош тортмоқда. Она тирик етимини боқиш учун туну кун овора.

Шу ерда савол туғилади. Ота тирик бўлса-да, боласини боқмаса, бундай болалар етим саналадими? Уларни боқиш ёки қарамоғига олиш етим боқиш билан тенгми?

Бундай болалар етим саналмайди. Аммо болаларига нафақа бермайдиган оталар қаттиқ гуноҳкор бўладилар. Бундай болаларга эҳсон қилувчилар етим болани боққан савобини олмасалар-да, бошқа кўплаб ажрларга эга бўладилар.

Етимларни ҳимоя қилиш ва болалар тирик етим бўлиб қолишининг олдини олишга ҳисса қўшиш барчамизнинг бурчимиздир.

Имом Бухорий номидаги Тошкент
ислом институти катта ўқитувчиси
Сурайё ИБРОҲИМОВА
тайёрлади.

БАНДАЛАРНИНГ АМАЛЛАРИ

Бандалар тарафидан содир бўладиган барча амалларни уч қисмга ажратиш мумкин:

1. Бандаларнинг барча амаллари уларнинг касби бўлиб, барчасининг яратувчиси Аллоҳ таолодир. Яхши ва ёмон барча амаллар Аллоҳ таолонинг хоҳиши, илми, қазоси ва қадари билан вужудга келади;

2. Бандаларнинг зиммаларига юкланган амалларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг буйруғи, яхши кўриши, ризоси, илми, хоҳиши, қазоси ва тақдири билан вужудга келади;

3. Гуноҳ-маъсиятларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг илми, қазоси, тақдири ва хоҳиши билан бўлади, лекин яхши кўриши, ризоси ва буйруғи билан вужудга келмайди.

Бутун борликда содир бўладиган яхшию ёмон ишларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг хоҳишига кўра бўлишига иймон келтириш вожиб. Қуръони каримда барча иш Аллоҳ таолога оид экани баён қилинган: **«Айтинг: “Барча иш Аллоҳга (оид)дир”»** (Оли Имрон сураси, 154-оят).

Яъни, Эй Муҳаммад алайҳиссалом, мунофиқларга айтинг: ишларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг қўлидадир. У Зот уларни хоҳлаганича тасарруф қилади.

Қазою қадарга шак-шубҳасиз кишини мўминлик мартабасига кўтарадиган иймон рукнларидан биридир. Қадар деганда яхшилик, ёмонлик, манфаат, зарар, қайси замон ва қайси маконда вужудга келиш каби махлуқотларда бўладиган барча ишларни Аллоҳ таолонинг олдиндан билиб туриши тушунилади. Қазо деганда эса, Аллоҳ таолонинг Ўзи олдиндан билиб турган нарсасини вужудга келтириши тушунилади.

«Эътиқод дурдоналари» китобидан



(Давоми, бошланиши
ўтган сонда.)

Аллоҳга ибодат қилишга чақирсангиз...

Ишончингиз комил бўлсин, ушбу амал қалбингизга хурсандчилик олиб киради. Унда бардавом бўлганингиз сари қалбингиз ёришиб, баъзи-баъзида ҳис қиладиган сиқилиш ва малолланишдан фориг бўласиз. Боиси, яхшиликка ундовчининг вақти самарали ва унумли ўтади. Чунки у Ислому умматига хизмат

ўзингизнинг яхшиликка ундовчи ва Аллоҳ таолога ибодат қилишга чорловчи эканингизни тушуниб етасиз.

Аллоҳ таолога ибодат қилишга чақирувчи бўлиш нима эканини биласизми? Сиз савоб умид қиладиган амаллар ажрини ҳисоблаш менинг қўлимдан келмайди. У(нинг савоби) жуда кўп. Сизга фақат шуни айтишим мумкин, қилаётган ишингиз ажойиб. Бу ибодатлар савобини умид қи-

майтурмайди”, деганлар (Имом Муслим ривояти). Шу тариқа савобингиз сизга эргашганларнинг адади миқдорича кўпаяди.

3. Одамларни яхши нарсага ўргатиш савоби. Аллоҳ ва Унинг фаришталари сизга салавот йўллашини истайсизми? Дарҳақиқат, Набий алайҳиссалом: **“Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари,**

Ҳар кунни қандай

қилиш, яхшиликка чақиришга бўлган муҳаббатнинг саодатини туяди.

Қандай чорлаш мумкин?

Иш жуда осон. Эй азизам, сиз яхшиликнинг ҳамма турини ёйишга шошиласиз. Масалан, аёлларни яхшиликка чақирасиз, таълим-тарбияга оид китоблар ўқийсиз. Иконингиз қадар ишингизни кенгайтирасиз. Журнал, янги электрон почталарда эълон берасиз. Яхшиларга ёрдам қиласиз. Уларни Қуръони карим ёдлаш давралари, маърифий марказларга йўллайсиз.

Шунда

лишингиз қандай ҳам гўзал!

1. Яхшиликка далолат қилиш ажри. Расулulloҳ алайҳиссалом: **“Ким бир яхши ишга далолат қилса, унга ўша амални қилувчига бериладиган ажрнинг мисли берилади”**, деганлар (Имом Муслим ривояти).

Яхшиликка чақирингиздан ўзгалар фойда олади. Далолат қилганингиз учун Аллоҳнинг фазли ва изни билан сизга эргашганларнинг амали миқдорича сизга ҳам ажр ёзилади.

Эй яхшиликка чорловчи! Амалингиз ва ихлосингиз тўфайли эришган савобингиз каби яна нима сизни бунчалик хурсанд қила олади?!

2. Ҳидоятга чақириш ажри. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Ким ҳидоятга чақирса, унга эргашганларнинг ажри мислича унга ҳам савоб берилади. Бу нарса эргашганларнинг савобидан бирор нарсани ка-**

осмон ва Ер аҳли, унидаги чумоли, ҳатто балиқ ҳам одамларга яхшиликни ўргатувчига салавот айтади”, деб марҳамат қилганлар (Имом Термизий ривояти).

4. Яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш учун бериладиган савоб. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Сизлардан яхшиликка чақирадиган, амри маъруф, наҳйи мункар қиладиган уммат бўлсин. Ана ўшалар, ўзлари нажот топувчилардир”** (Оли Имрон сураси, 104-оят).

5. Ширин сўзлар учун бериладиган савоб. Набий алайҳиссалом Имом Бухорий раҳимахуллоҳ ривоят қилган ҳадисда назарда тутган ширин сўзлари бўлса ажаб эмас: **“Албатта, банда ўзи парво қилмаган ҳолда Аллоҳни рози қиладиган бир сўзни айтади, у сабабли Аллоҳ унинг даражаларини кўтаради”**.

“Фатҳул Борий” да: “У билан

даражалар кўтариладиган, у сабаб Аллоҳ таолонинг розилиги ёзиладиган сўзлар – мўминдан зулмни кўтарадиган ёки ундан балони аритадиган ё у билан мазлумга ёрдам бериладиганларидир”, дейилган. Зулмни бартараф этадиган, шариат аҳкомларига амал қилишга чақирувчи, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтара-

дарсларда қатнашиш ёки эшитиш билан бир қаторда китоблар мутолааси ҳам муҳим. Шунингдек, одамлар билан учрашув, улардан келиб тушган саволлар сизни изланиш, илмингизни янада оширишга ёрдам қилади. Бу Аллоҳнинг фазли бўлиб, ўзи истаган бандасига беради.

9. Ўзингиздаги шаръий илмни тарқатинг. Боиси илмни сарфлаш Аллоҳнинг изни

қилганлар. Суннатларидан бирортасини етказиш, душманни йўқ қилишдан афзал. Чунки ўқни мўлжалга кўпчилик етказа олади. Аммо ҳадиси шарифни фақат набийлар ва уларнинг меросхўрлари етказишади.

13. Аллоҳ таоло поклайди: **«Аллоҳга даъват қилган, солиҳ амалларни қилган ва “Албатта, мен мусулмонларданман” деган ки-**

савоб топасиз?

диган сўзлар борасида фикрингиз қандай?! Агар даражалар дунёвий фойдаларни рўёбга чиқарса, ухровий фойдаларни рўёбга чиқарувчилари қандоқ бўлди?

6. Одамларни ҳидоят қилиш ажри. Набий алайҳиссалом бундай дедилар: **“Аллоҳга қасам, сен сабаб Аллоҳ таоло бир кишини ҳидоят қилиши, сен учун қизил туяларинг бўлишидан яхшироқдир”** (қизил туя ўша даврда энг қийматли нарса ҳисобланган) (Имом Бухорий ривояти).

7. Савоби кўпаювчи амал. Шунинг билан, қанчалик ибодатнинг фойдаси кўпайса, унинг савоби шунча улкан бўлади. Аллоҳ таолога ибодат қилишга чақириш ҳақида нима дейсиз?!

8. Аллоҳ таоло билмаганингизни билдиради. Чунки яхшиликка чорловчи га шаръий илмни ошириш,

билан унинг собит туришига ёрдам беради.

10. Қалбингиз ёришиши, ўзингиздан рози бўлишга эҳтиёжингиз бор. Яхшиликка чақириш тез орада сизга шуларни насиб этади. Чунки сиз амал қиласиз ва натижага эришасиз. Агар бирор киши сизга эргашиб мусулмонларга фойда улашса, қалбингиз ёришади, бахтни туясиз.

11. Набий алайҳиссаломнинг дуолари баракаси. **“Биздан бир нарсани эшитиб, уни эшитганидек етказган кишини Аллоҳ қувонтирсин. Балки хабар етган киши эшитган кишидан кўра яхшироқ англар”** (Имом Ибн Можа ривояти).

12. Расулulloҳ алайҳиссаломнинг: **“Мендан бир оят бўлса ҳам етказинглар”,** деган амрларига бўйсунганлик савоби. Набий алайҳиссалом гарчи бир оят бўлса ҳам, у зотдан етказганни дуо

шидан ҳам гўзал сўзли ким бор?» (Фуссилат сураси, 33-оят). Кишига одамлар уни мақташи ёқади. Агар уни Аллоҳ таоло мақтаса, ҳоли қандоқ бўларкан-а?!

14. Аллоҳ таолога тоат. Парвардигор бундай буюради: **“(Эй Муҳаммад!) Раббингизнинг йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг! Албатта, Парвардигорингизнинг ўзи Унинг йўлидан чалғиган кимсаларни яхши билувчи ва ҳидоят топганларни ҳам У билувчироқдир”** (Наҳл сураси, 125-оят).

(Давоми бор.)

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси

Фарзандимизнинг ўйинчоғи

Ўйинчоқ дўконларида “Шуни олиб берасиз!” дея хархаша қилаётган болаларни кўра-миз. Бундай вазиятда айрим-лар атрофдагилардан хижолат бўлиб олиб беришса, бошқалар ҳамманинг кўз ўнгида болага танбеҳ беради, жазолайди.

Дўконда боланинг айтганини қилиш ёки хархашаси учун жазолаш қанчалик тўғри?!

Ўйинчоқлар танқис бўлган даврда болалар маккажўхорининг сўтасидан юлиб олиб, попугини ўриб, қўғирчоқ қилиб ўйнашган, лой ёки ёғочдан машиналар яшашган. Бугун эса ўйинчоқлар истаганча топилади. Афсуски, рақсга тушиб, бачкана ҳаракатлар қиладиган тушунарсиз роботлар, махлуқ ёки хорижнинг қайсидир қахрамонлари қиёфасидаги юмшоқ ўйинчоқлар тарқалди. Ундан бола ўзига ҳеч қандай фойда олмайди. Мусиқасини эшитиб, рақсини такрорлаши, беҳуда кўтариб юриши, кўринишига тақлид қилиши мумкин холос.

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида қўғирчоқ ўйнар эдим. Дугоналарим келар эдилар ва Набий алайҳиссаломдан торти-ниб қолар эдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни мен томон йўллаб қўяр эдилар” (Имом Муслим ривояти).

Боланинг болалигини зое қилмаслик ота-онага боғ-

лиқ. Шунингдек, ўйинчоқ билан ўйнаш маданиятини ҳам шакллантириш лозим. Сочилиб ётган ўйинчоқларини боланинг ўзи йиғиштира, тартибли бўлишга ўрганади. Бола ўйнаш ёшидан ўтган ўйинчоқларини унинг ўзи бошқаларга ҳадя қилишини ўргатиш зарур. Бу ишни бола бажарса, унда меҳр-шафқат ва ғамхўрлик қилиш туйғуси шаклланади.

Рухшунос Барно Рустамова қуйидагиларни тавсия қилади:

– болага ўзингиз шу ўйинчоқни хоҳлаганингиз ёки қачондир болагингизда ўйнолмаганингиз учун олиб берманг;

– ўйинчоқ билан боланинг меҳрини сотиб олманг, аксинча, унга эришинг. Боланинг хулқини ўйинчоқ олиб бериш билан бошқарманг. Масалан, “Сен мана бу ишни қилсанг, мен сенга бу ўйинчоқни олиб бераман”, дегманг;

– болалар кимдадир бор ўйинчоқнинг ўзида ҳам бўлишини хоҳлайди. Ушбу ҳолатнинг олдини олиш учун ислоҳни аввал ўзингиздан бошланг. Сиз кимгадир тақлид қилиб телефон сотиб оляпсизми ёки кийим харид қияпсизми? Зеро, болалар ота-оналаридан ўрнак олишади.

Қаттиқ шовқинли ва зарарли бўлган ўйинчоқларни сотиб олманг! Масалан, қирмизи сичқон ёки яшил айиқлар бола руҳиятига салбий таъсир қилиши мумкин. Ҳалати кўринишдаги ўйинчоқларни ҳам харид қилмаган маъқул.

Ёш болаларга майда қурилмалари бор ўйинчоқларни асло бер-

манг. Юмшоқ ўйинчоқлардаги тугмаларнинг мустаҳкамлигига эътиборли бўлинг.

Ҳар бир ўйинчоқдаги ёзувни диққат билан ўқинг ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилинг. Ўйинчоқда ортиқча ҳидлар ва ранглар бўлмаслиги жуда муҳим.

Ўйинчоқнинг чекини олиб қўйинг, зарурат бўлганда уни алмаштирасиз.

Хулоса қилиб айтганда, бугун бозордаги минглаб ўйинчоқлар орасидан болангизнинг ёшига мос, манфаатли ва фойдалисини танланг. Шуни унутмангки, турли ўйинлар, очиқ ҳаводаги тўп, сакрамачоқ ўйнаш, қоғозлардан буюмлар ясаш билан фарзандингиз кўпроқ шуғуллансин. Жисмоний ҳаракат билан жисми, ақлий меҳнат билан дунёқараши кенгаяди.

Камола АБДУМАЛИК



Она сутнинг фойдалари

Кўпайиши учун

Абу Али ибн Сино эмизикли аёлнинг сути кўпайиши учун, энг аввало, унинг асаби тинч бўлиши ва кўп ухлаши кераклигини айтган. Яна сут кўпайиши учун эмизикли аёллар сут маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилишлари зарур. Сутни ширчой қилиб, ичига ёғ ёки ёнғоқ солиб ичиш жуда фойдали. Эмизишдан 20 дақиқа олдин, албатта, бирор-бир суюқлик ичиш зарур. Кунда камида икки маҳал иссиқ суюқ овқат истеъмол қилишга одатланиш ҳам она сутини кўпайтиради. Гуручли таомлар, айниқса, палов ҳамда мошли таомлар она сутини кўпайтириш хусусиятига эга.

Она сути билан озиқланган болалар ҳар томонлама яхши ривожланади. Рахит, камқонлик, ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши каби хасталиклар уларда деярли кузатилмайди. Шунга қарамай, кейинги йилларда оналар ҳар хил сабабларга кўра фарзандларини сунъий озиқлар билан улғайтирмоқда. Баъзилари меҳнат фаолиятидан ажраб қолмаслиги, айримлари қоматларини сақлаб қолиш мақсадида... Сутни йўқлиги ё яроқсизлиги сабаб бўлаётганлари озчиликни ташкил этади.

Зиёд Саҳмий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **“Расулulloҳ соллаллоҳу**

алайҳи ва саллам (болани) эси паст аёлга эмизишдан қайтардилар (албатта, сут эгасига ўхшайди)” (Имом Абу Довуд ривояти).

Ушбу ҳадис чақалоқларни сунъий озиқлар билан боқишдан ҳам қайтаради. Чунки у таркиби, озиқавийлиги, жисмоний ва руҳий саломатликка кўрсатадиган таъсири жиҳатидан эси паст онанинг сутидан кўра болага зарarliроқ.

Сунъий сутнинг оқибати

Она сутининг мўъжизавийлик хусусиятлари билан сунъий сут ва бўтқалар таркиби солиштирилиб ўрганиб чиқилган. Тадқиқотлар натижасидан биттасини келтириш kifоя: она сути таркибида қанднинг 150 тури мавжуд. Маълум бўлишича, мазкур қанд моддалари ҳазм жараёни ва кейинги жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Сунъий сутларнинг бирортасида бу кўрсаткич бир ёки икки турдан ортиқ эмас. Сунъий озиқлар кунда-кунора болаларда қабзият пайдо қилади. Кўп ҳолларда буни бартараф этиш учун кимёвий дорилар қўлланади.

Она сути – Аллоҳ томонидан гўдаклар учун яратилган табиий-фитрий офият қўрғони. Ана шу мўъжизакор сутдан узрсиз фойдаланмаслик эса Яратган томонидан берилган имкониятдан воз кечиш демак.

Азиза РАҲМАТОВА,
Самарқанд тумани
бош отинойиси

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **“Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бу муддат) эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир”** (Бақара сураси, 233-оят), дея марҳамат қилган.

Дарвоқе, гўдак соғлом униб ўсиши учун зарур бўлган барча озиқ моддаларни Аллоҳ таоло она сути таркибига жойлаб қўйган. Она сути таркибидаги микроэлементлар миқдори гўдак тана-сидаги эҳтиёжга кўра кўпайиб ё камайиб туради. Айниқса, гўдак олти ойлик бўлгунга қадар унинг озиқага бўлган эҳтиёжи фақат она сути ҳисобига таъминланади.

Ноёб хусусиятлари

1. Микроблар тушиш эҳтимоли мавжуд эмас.

2. 36–37 даражада бўлиб, боланинг тана ҳароратига мувофиқ.

3. Ошқозонга аста-секин ва оз-оздан тушади, таркибий қисми тўла ҳолда парчаланмай сўрилади.

4. Таркибида юқумли касалликлардан ҳимояловчи иммун таначалар ҳамда ҳазм жараёни-ни яхшиловчи ферментлар бор.

Азиза опанинг келини Нигоранинг шунча йил яшаб, уйига меҳр қўя олмагани ўйга толдиради. Келини одобли, самимий, лекин барча ишини ота-онаси билан маслаҳатлашиб қилиши ва рўзғорига қудасининг аралашаётганидан ранжирди.

Армон

Вақт ўтгани сари бу ҳолат сабаб келишмовчиликлар кўпайди. Бунинг оқибатида Нигора аразлаб ота-онасининг уйига кетди. Бу орада Азиза опа бемор турмуш ўртоғи Одил ака билан андармон бўлиб қолди. Нигора эса бундан беҳабар ажрим учун ариза берди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Одил аканинг аҳволи оғирлашиб, омонатини топширди.

Қайнотасидан фақат ширин сўз эшитган Нигора қаттиқ таъсирланди. Ўтган вақтини ўйлар экан, яқинларини қанчалар қийнаганини, қилган хатоларини тушуниб етди. У ҳар сафар оиласининг яхшилиги ҳақида гапирганида отасининг: “Уларга ҳеч ҳам бўш келма, қадрингга етишсин”, деганини, уйига қайтишга уринганида онасининг: “Нега кечирим сўраб борасан, ўзлари ялиниб келишсин?!” деганини эслади. Аслида, қайнота-қайнонасидан ҳеч қандай ёмонлик кўрмади. Бу сафар ҳеч кимга ҳеч нарса демай, ота уйдан чиқиб кетди.

Қайнотасини сўнги манзилга кузатишар экан, йиғлаб бошқалардан кечирим сўради. Азиза опа ҳам келинини қучоқлаб йиғлади. Лекин энди отасидай қадрли бўлиб қолган қайнотасининг дуосини ололмади. Бу унга армон бўлиб қолди.

Афсус, атрофимиздаги яхши инсонлар қадрини кеч англаб етамиз. Бугун Нигорага ўхшаб ота-онасининг уйида араз қилиб ўтирган қанча келинлар бор. Улар шуни билишсинки, бу дунёда ҳамма нарса ўтади. Сабрли бўлинг, аёл ва она сифатида оилангизни қўриқлашни ўрганинг. Сизнинг суянадиган чин оилангиз – турмуш ўртоғингизнинг уйи. Шуни унутманг, сизлар ўз уйингизнинг эгаси, ота уйга эса меҳмонсиз.

Миршавкат ТҶИЧИЕВ, Паркент тумани
“Беш каппа” жоме масжиди имом-хатиби

Иссиқ кунларда...

Юрак касалликлари билан оғриган, қон босими юқори кишилар, ҳомиладор аёллар, кексалар иссиқ кунларда кўпроқ эҳтиёт бўлишлари керак. Иссиқдан сақланиш учун нима қилиш лозим?

Кўпроқ сув ичиш. Бунда организмнинг сув танқислигини тўлдириш учун бир кунда 2–3 литр ичинг.

Энг иссиқ пайтда – 10:00 дан 17:00 гача кўчага чиқмаслик, қуёш нури остида юрмаслик керак.

Кўпроқ душ қабул қилиш. Бу тананинг самарали нафас олишига ёрдам беради. Шунингдек, ҳаво ўтказадиган либослар кийиш.

Ибн Сино “Тиб қонунлари” китобида иссиқ ҳаво таъсир қилганда қуйидагиларга риоя қилишни айтади: “Иссиқ ҳавода баъзи инсонларда бош оғриғи, бурун қонаши, нафас сиқиши, бўғинларнинг заифлашуви ҳамда ҳаракатнинг қийинлашуви кузатилади.

Қуёш урган одамга сачратқи қайнатмаси ичирилади. Нордон шарбатлар, айрон, гўжа, қатик берилади.

* * *

• Иссиқ кунларда кўпроқ сабзавотлар истеъмол қилинг. Улар

фолий кислотаси, калий ва С витаминига бой. Ҳар куни мева ейиш эса иммунитет тизимини мустаҳкамлайди.

• Ёғли ва қовурилган таомлар ўрнига димлаб пиширилган овқатлар маъқул. Сут, айрон, ўсимлик чойлари, шакарсиз шарбат каби ичимликлар фойдали. Газланган сув, қадокланган шарбатлар ва ортиқча қаҳва ичишдан сақланинг.

Қуритилган ўрик тададаги магний миқдорини кўпайтиради. Қон оқимини яхшилайд.

Ҳомиладор аёлларда кўп кузатиладиган магний етишмовчилигининг табиий ва фойдали ечими кунлик туршак истеъмолидир. Камқонликнинг олдини оладиган мазкур маҳсулот тажангликни енгиллаштиради, кўриш қобилиятини яхшилайд. Тери, тирноқ ва сочларнинг соғлом бўлишига ёрдам беради.

